

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ЖЎРАЕВА СИТОРА ЛАТИФОВНА

**Итларда ўсмалар ривожланишининг эколого-
морфологик асосланиши ва уларни даволаш**

5А 440109 – Кинология мутахасислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган д и с с е р т а ц и я

Илмий раҳбар:

в.ф.н.

Каримов М. Г.

Самарқанд -2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
1.1. Ҳайвонларда учрайдиган ўсмалар.....	10
1.2. Итларда учрайдиган хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш чоратадбирлари.....	22
I. боб бўйича хулоса.....	2
II. боб АСОСИЙ ҚИСМ.....	32
2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	32
2.2. Итларнинг кўпайиш аъзоларининг анатомо-топографик тузилиши.....	32
2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озикланиши, умумий дрессировкаси, уларда жинсий органлар ўсмаларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси	
2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озикланиши ва умумий дрессировкаси	
2.3.2. Итларда жинсий аъзо ўсмаларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.....	
2.4. Итларда жинсий органлар ўсмаларини консерватив ва оператив усулда даволаш.....	36
2.4.1. Клиник -морфологик кўрсаткичлар.....	36
2.4.2. Қоннинг морфо-иммунологик кўрсаткичлари.....	
2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	
2-боб бўйича хулоса.....	39
III. боб. Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар...	
IV. боб бўйича хулоса	49
Хулоса.....	59
Амалий тавсиялар.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
Илова.....	68

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади.

Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот

экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги; Республикамиз мустақилликга эришганидан кейин, мамлакатимиз чегара қўшинлари, божхона ва ички ишлар ташкилотларида турли хилдаги гиёҳванд моддаларни аниқлаш, шунингдек қидирув, қўриқлаш, соқчилик ва бошқа хизмат доирасида хизмат итларининг роли катта бўлмоқда. Бу борада ветеринария хизматининг ҳам ўрни муҳим бўлиб, хизмат итларининг соғлигини сақлаш, уларнинг хизмат сифатини яхшилаш тадбирларини олиб боради. Шунинг учун ҳам хизмат итларида учрайдиган юқумли, юқумсиз, жумладан хирургик касалликларни диагностикасини, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш катта амалий ва илмий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда республикамызда кинология хизматини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан ушбу масалага Давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантиришга оид бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилиниб, натижада республикамызда миллий кинология марказлари, итларни сақлаш питомниклари, кинология бўлимлари ташкил этилди.

Барча турдаги ҳайвонлар каби итларда ҳам турли хил касалликлар учраб, ишлаб чиқаришга катта иқтисодий зарарни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

К.И. Шакалов (1981), Т.С. Кузнецов (1980) маълумотларига кўра, ички юқумсиз касалликлар барча турдаги касалликларга нисбатан 94-97% ни ташкил қилиб, шулардан 40% хирургик касалликларга тўғри келади.

Охирги йилларда хизмат итлари орасида кенг тарқалиб бораётган патологик жараёнлардан бири - ўсмалар патологияси бўлиб, умумий касалликларнинг 5-10% ни ташкил қилмоқда. Ўсмалар муаммоси тиббиёт ва ветеринария мутахассислари орасида долзарб муоммолардан биридир. Бу муоммани ҳал қилиш мақсадида кўпгина олимлар илмий –тадқиқотлар олиб бориб ўз хиссасини қўшмоқдалар.

Ўсмалар табиатда кенг тарқалган бўлиб одамларда ва барча турдаги ҳайвонларда, жумладан итларда ҳам учрайди. Улар шакл тўзилиши жихатидан уй, лаборатор ва йирткич ҳайвонларда ҳар хил бўлишига қарамасдан, ўсиш қонуниятлари, организмга таъсири ва клиник ифодаси бўйича бир – бирига ўхшаш бўлади. Одам ва итларнинг ўсмалари, бошқа касалликлардан фарқи ўларок ягона принципиал гуруҳ бўлиб умумбиологик аҳамиятга эга.

Итлардаги ўсмалар патологиясини муҳимлиги жихатидан одамлар патологияси билан таққослаб бўлмаса ҳам ёмон сифатли яъни хатарли ўсмалар муаммоси ветеринарияда долзарб бўлиб ҳисобланади. Охирги йилларда катта шаҳарларда яшайдиган итлар орасида ўсмалар сони кўпайиб бормоқда. Улар эгасига ташвиш етказиб, итларнинг соғлигига анча сезиларли зарар етказмоқдалар. Ўсмаларни даволаш учун ҳар хил яъни консерватив (химиотерапия) нурлантириш ва хирургик (оператив) усуллар қўлланади. Ўсмалар тиббиёт ва ветеринарияда асосан хирургик йўл билан даволанади.

Ўсмаларга оид муаммоларнинг ҳал қилина бошланиши кўпгина илмий изланишлардан кейин яъни XX асрдаги техника тараққиётининг даврига тўғри келган эди. У вақтда янги имкониятлар очила бошлади. Микроскоп, жумладан электрон микроскопнинг яратилиши, биокимё, иммунология ва бир қатор фанлардаги ривожланишлар ҳужайра тараққиёти, ички ва ташқи тасуротлар натижасида келиб чиқадиган патологик жараёнлар ва даволаш учун уларни аниқлаб, аниқ ташхис қўйиш кеарк бўлади. Ўтган асримизнинг 50-60 йилларига эътибор берадиган бўлсак бу даврда ўсмаларга нисбатан катта қизиқишлар туғилди. Бизнинг юртимизда бошқа ривожланган

давлатларга нисбатан ўсма касалликлари кўпроқ иккинчи ўринга тушиб қолган. Биринчи ўринда эса юрак-қон томир касалликлари туради. Олдинги вақтларда тиббиётнинг тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли тўғилган болалар беш ёшга етмай касалликлардан ўлиб кетишган.

Ҳозирги даврда тиббиётнинг интенсив ривожланиши, асосан микробиология, гистология ва иммунобиологиянинг ривожланиши касалликларнинг аниқлашда ва даволашда катта самара бермоқда. Бундай ривожланиш ветеринариянинг ривожланишига туртки бўлди. Ветеринарияда эришилаётган ютуқ ва янгиликлар чорвачиликнинг ривожлантиришда, касалликларни даволаш ва олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ҳам ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ўсма касаллигини келтириб чиқарувчи минтақамизга хос бўлган этиологик омилларни янада чуқурроқ ўрганишга, унинг организмга таъсирини, коннинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш, олдинги ўрганилган илмий ишлар билан ҳозирги ишларни ўзаро солиштириб таққослаб ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши; Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Вилоятимиз ташкилотлари ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, божхона тасарруфидаги кинология марказлари питомникларида сақланаётган хизмат итларида, вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, **онкология марказларида** 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб итлар орасида ўсма касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омиллар ва ўсма касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилиб, бунда итларнинг сақланиши, махсус дрессировкаси ва озиқланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, итларда ўсма билан

касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, шиллиқ пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқ сезиш, флюктуацияси, маҳаллий ҳарорати, пальпация қилингандаги товушлар аниқланди.

Сўнгги пайтларда онкологияда ўсма маркерларини аниқлаш, компьютер ва магнит-резонанс томографияларни ташхис қўйиш учун қўллаш қўлами тезлик билан кенгайиб бормоқда.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан ўсма билан касалланган 6 **бош** итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирили улар 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Хар бир итда ўсма паренхимасининг характери, касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражаси ва хавfli ва хавфсиз сифатларига қараб танланди. Биринчи гуруҳ итларида хирургик усулда ўсма тўқималари олиб ташланиб, жароҳатни ананавий усуллар бўйича даволанди. Иккинчи гуруҳ тажриба гуруҳи итларига хирургик усулларга қўшимча холда катазал препарати итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва центрксон антибиотиги мускул орасига юборилди . Бундан ташқари ҳосил бўлган жароҳатларни бирламчи ва иккиламчи тортилиш билан битиши жароҳатдаги грануляцион туқиманинг ҳосил булиши жароҳат биологиясига ҳам эътибор берилди. Биринчи яъни ўсмаларнинг бошлангич босқичида операция қилинган итлар жароҳат биологияси ва иккинчи яъни ўсма катталашгандаги операциядан кейинги асоратлар кузатиб борилди.

- тадқиқот мақсади ва вазифалари; Итларда ўсма касалликларинг этиологияси, ривожланиши, эколого-морфологик асоси, келтириб чиқарадиган зарари, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий

узулларини ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифа қилиб олинди

1. Вилоятимиз ташкилотлари ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, божхона тасарруфидаги кинология марказлари, питомникларида хизмат итлари ва хирургия клиникасида қабул қилинган итлар орасида ўсма касалликларининг учраш даражасини, этиологияси ва улардан келиб чиқадиган зарарни ўрганиш.

2. Ўсма касаллиги билан касалланган итлар қонида кузатиладиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш.

3. Ўсма билан касалланган итларни оператив ва оператив-консерватив усуллар билан даволашни ишлаб чиқиш.

4. Ўсма касалликларини эртачи диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари бўйича мақолалар ёзиш.

- тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;

- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили; Ўсмалар асосан ҳайвонлар ҳаётининг иккинчи ярмида пайдо бўлади ва барча турдаги ҳайвонларга мос. Ҳайвонлар орасида ўсмаларнинг тарқалишини ёш билан боғлиқлигини итларда яққол кўриш мумкин.

К.Н.Терехов (1983) нинг маълумотларига кўра ветеринария клиникасига тушган 2500та итлар орасида ўсмаларнинг ҳайвон ёшига қараб тарқалишини ўрганиб шундай хулосага келганки ўсмалари булмаган итларнинг ўртача ёши 3,5 йилни ташкил қилади, ривожланган ўсма билан касалланганлари 8ёшни ташкил қилади. Ўсмалар билан касалланиш олти ёшга бориб кескин кўпаяди ва шу даражада 10-13 ёшгача туради. Шундан ўсмалар билан касалланган итларнинг 50% ини 6-10 ёшликлари 5ёшгача 25% қолган 25% ини 10 ёшдан каттароғи ташкил қилади. Ўсма билан касалланган итлар 1-5 ёшлар гуруҳига киради, 27% бир ёшгача 5%и 10 ёшдан каттасини ташкил қилади.

Ю.М.Васильев (1992) таъкидлашича ўсма билан касалланган итларнинг ўртача 3,8 ёшни ташкил қилади.

Н.Гриш (1992) га кўра итлар остеосаркомасининг ўртача ёши 7,3 хондросаркоманинг эса 5,4 ёшни ташкил қилади. Шунинг учун ўсмалар билан касалланган ҳайвонларни ўрганиш одам ва ҳайвонларда учрайдиган бластомоз жараёнлар генезини ўрганишга ҳамда даволаш учун янги самарали дориларни қўллашга ёрдам беради.

Ҳайвонларда айниқса итларда саратон ўсмаларининг кўп ҳосил бўлиши уларни экспериментал материал сифатида қўллаш мумкин. Чунки итлар ҳаёти мобайнида одам билан жуда яқин бўлиши бу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Бу эса айрим ўсмали жараёнларнинг кечиш қонуниятлари, клиник ифодаси, одам ва ҳайвонларда бир хил кечиши билан ажралади. Шунинг учун итлар ва бошқа ҳайвонлар ўсмаларини ўрганиш ва узоқ муддат клиник қўзатиш ҳамда организмга таъсирини ўрганиш бластомоз ўсишнинг айрим қонуниятларини аниқлашга ёрдам беради.

Одамларда ёмон сифатли ўсмаларини келиб чиқишини ва алоҳида алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳайвонлардан олинган натижалар одамларда учрайдиган ёмон сифатли ўсмалар кўришиш пойдевори бўлиб ҳисобланади. Шунини айтиш лозимки, ветеринарияда ҳайвонларнинг саратон ўсмаларини ўрганиш медицинадагидек кенг ривожланади.

К.Н.Терехов (1983) таъкидлашича 190 йирик шохли ҳайвон, 42то ва 1348 итни текшириш натижасида йирик шохли ҳайвонлар орасида ўсмалар 3 ёшгача учрайди ва 54,6% ни, отлар орасида 4-9 ёш 45,2% ни, итларда 8-9ёш 14,4 ни ташкил қилиши аниқланди.

С.А.Гариков (1987) 2092 ҳайвонни текшириш натижасида қўйидаги маълумотларни олган: ўсмалар билан касалланиш 30,3% итларда, 10,6% йирик шохли ҳайвонларда, 6,3% отларда, 1,6% қўйларда ва 0,1% чўчқада ташкил қилади.

Н.Е.Лаптев (1995) маълумотларига кўра 1954дан то 1971 йилгача ўтказилган гистологик текширишлар асосида ўсмалар қўйидагича

тарқалганлиги аниқланган: 22,6% итларда (338тада), 9% отларда (205тада) ва 0,12% чўчкада (1905тада).

- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи; ўтказилган илмий тадқиқот тажрибаларида итларда ўсма касаллигининг кечиш хусусиятларини ўрганиш ташхисини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган усулларни баҳолаш мақсадида улар қонидаги резистентлик кўрсаткичлари морфологик ва иммунологик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Итларда ўсма касалликларининг эртачи диагноз қўйиш мақсадида питомникларда, шаҳар ветеринария бўлимларида ветеринария мутахассислари билан биргаликда хирургик диспансеризация ўтказилиб, барча ўсма билан касалланган итларнинг сони, касалликнинг тарқалиш даражаси аниқланди ва ўсмалар биопсия усулларида, гистологик текшириш натижаларига асосланиб ўсма тўқимасининг тури, хавфли ва хавфсиз сифатлари аниқланди.

Касалликнинг ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горьев санок тўри ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори (Сали гемометри) - Т ва В лимфоцитлар (Е-РОК ва ЕАК-РОК

- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; Жинсий аъзо ўсмалари билан касалланган итларни текшириш натижалари уларга эртачи босқичларда ташхис қўйиб аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Текширишларнинг асосий натижалари 2013-2014 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- тадқиқотнинг илмий янгилиги; - Вилоятимиздаги мавжуд кинология марказларида ва аҳоли қарамоғида сақланаётган иларда ўсмаларни келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга бўлган эколого-морфологик ва бошқа омиллар;

- итларда турли хилдаги ўсмаларнинг ўзига хос кечиш хусусиятлари;
- итларда ўсма касалликларининг тарқалиши, зотга ва жинсга боғлиқ кечиш хусусиятлари, уларнинг эртачи диагностикаси ва клиникаси;
- ўсма билан касалланган итларни даволашнинг турли усулларини қиёсий баҳолаш ва ўсманинг турига ва босқичларига боғлиқ ҳолда даволаш усулларининг қиёсий самарадорлиги аниқлаш ўрганилди.

- **диссертация таркибининг қисқача тавсифи;** Диссертация ишибетларда компьютер ёзувида берилган ва унинг таркибига 3 та бобдан иборат. Унга кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар объекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, та жадвал вата адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Ҳайвонларда учрайдиган ўсмалар

Кейинги йилларда республикаимиз минтақасида экологик муҳитнинг бузилиши хизмат итлари орасида турли хилдаги юқумли ва юқумсиз касалликлари кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу касалликлардан бири хизмат итлари орасида кўп тарқалган хавфли ва хавфсиз ўсмалардир.

Ўсмаларнинг келиб чиқиш назариялари кўпчилигида, эндоген ва экзоген таасуротлар уларда алмашинувчи регенерацияни ривожлантиради ва тўқималардаги ўзгаришларга олиб келади. Кўпгина онкологлар фикрига кўра, бластомоген кўпайишнинг асосида модда алмашинувининг бузилиши айниқса оқсил ва углеводларнинг микдорий ўзгаришлари кузатилади.

Кейинги йилларда республикаимиз минтақасида экологик муҳитнинг бузилиши хизмат итлари орасида турли хилдаги юқумли ва юқумсиз

касалликлари кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу касалликлардан бири хизмат итлари орасида кўп тарқалган хавfli ва хавфсиз ўсмалардир.

Ўсмаларнинг келиб чиқиш назариялари кўпчилигида, эндоген ва экзоген таасуротлар уларда алмашинувчи регенерацияни ривожлантиради ва тўқималардаги ўзгаришларга олиб келади. Кўпгина онкологлар фикрига кўра, бластомоген кўпайишнинг асосида модда алмашинувининг бузилиши айниқса оқсил ва углеводларнинг миқдорий ўзгаришлари кузатилади.

Айрим пайтларда ўсмаларнинг қайта пайдо бўлиши улар олиб ташлангандан кейин кузатилмайди, лекин кўп ҳолларда бирламчи ўсмани хурургик йўл билан олиб ташлаш, метастаз ўсишини активлаштиради. Бундай ҳолларда ўсма хужайралари қон ва лимфа орқали ўсиб, уларда ривожланиб бутун организмга тарқалади.

Ёмон сифатли ўсмаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш жуда мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Жуда кўп бластомогенез назариялари ишлаб чиқилган. Лекин ўсмаларнинг келиб чиқиши ҳозиргача аниқланмаган. Бластомоз жараёнининг асосий организмлардаги хужайраларни пролиферацияга учраши ётади. Ўсмаларнинг пролиферацияси физиологик пролиферацияларидан фарқи шундаки, улар детерминация қонунларига бўйсинмайди ва нейрогуморал таъсирида бўлишадилар. Уларнинг пролифератив жараёнлари организм тарафидан бошқарилмайди.

Ю.М.Васильев (1992) бўйича ўсма жараёни хужайралар кўпаймасидан бошланмайдиям, давом этмайдиям. Лекин хужайралар кўпайиши барчасининг асосида бластомоз жараён ётмайди. Маълумки, хужайралар пролиферацияси организмда ҳар доим содир бўлади. Гап хужайраларнинг кўпайишида эмас, балки шу кўпайишни ўзига хос характеридадир, унал кўпинча экологик омиллар таъсир қилади, уларга энг аввало бластомоген омиллар киради, уларнинг таъсирида тўқима хужайраларнинг

пролиферациясига айланиши ва тухтовсиз ўсиши туқималарнинг парчаланишига ва тарқалишига олиб келади.

Узоқ вақт мобайнида ўсмалар муаммоси билан асосан патологлар шуғулланган. Улар ўсмаларни ўзгаришига катта ҳисса қўшганлар ва ўсмаларнинг морфологиясини ўрганиб таснифлашишини яратдилар. Ёмон сифатли ўсмаларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши юзалари ишлаб чиқилди. Уларга қуйидагилар киради. Вирховнийнинг сурункали китикланиши назарияси, Когейменнинг эмбрионал назарияси Фишернинг гегенерацион – мутацион назарияси, лекин улар тўлиғича ёмон сифатли ўсмалар этлопатогенезини тушунтириб бера олмайди.

Ўсмаларни бир ҳайвондан иккинчисига юктириш мумкинлиги 1876 йилда биринчи марта аниқланди. Бунда ўсмаларнинг келиб чиқиши вирусларга боғлиқ бўлди. Лекин ўсмаларнинг келиб чиқишига бошқа физикавий, кимёвий ва гормонал назариялари ўз аҳамиятини йўқотганлар ва ҳозирги пайтда улар канцероген назариянинг асосини ташкил қиладилар.

Охирги йиллар бу соҳада катта текширишлар олиб борилмоқда. Айниқса рак генетикаси ва онкоген вируслар соҳасида йиллар давомида ўсмалар вирус табиатли эканлиги муҳокама қилиниб келинмоқда. Лекин бу масалада бир фикрга келинмаган. Чунки одамлардаги кўп ўсмаларининг келиб чиқиши вирус эканлигини аниқланган. Лекин бу масалага ҳам айрим аниқликлар кириши лозим.

К.Н..Терехов (1983); Г.И.Абелев (1977); А.Д.Белов, М.В.Плахотин, Б.А.Башкиров и др. (1990); ва бошқа кўпчилик олимлар итларда ўсмалар 20–30% ҳолатларда учрашини айтадилар. Бундан кўриниб турибди, усмалар ҳайвонлар орасида кенг тарқалган.

Ф.Ф. Калашнин (1986) 2092 ҳайвонни текшириш натижасида қуйидаги маълумотларни олган: ўсмалар билан касалланиш 30,3% итларда,

10,6% йирик шохли ҳайвонларда, 6,3% отларда, 1,6% қўйларда ва 0,1% чўчқада ташкил қилади.

В.А. Шишкин (1986) 19 минг итни текширган ва ҳар 10 минг итдан 23 таси ўсма билан касалланганлигини аниқлаган.

Т. Т. Ибицьев (2012) Владикавказ шаҳрида итлар орасида юқумсиз касалликларнинг тарқалиш мониторингини ўтказишда қуйидагиларни аниқлади: 2007 йилда жами 1100 бош касал итлар қабул қилиниб, 480 тасида жарроҳлик касалликлари топилди. Жарроҳлик касалликларга чалинган итлардан 156 яллиғланиш жараёнлар ва ўсмаларга тўғри келади.

2008 йилда жами 1350 касал итлар қабул қилиниб, 521 тасида жарроҳлик касалликлари топилди. Жарроҳлик касалликларга чалинган итлардан 134 яллиғланиш жараёнлар ва ўсмаларга тўғри келади.

2009 йилда жами 1422 касал итлар қабул қилиниб, 614 тасида жарроҳлик касалликлари топилди. Жарроҳлик касалликларга чалинган итлардан 174 яллиғланиш жараёнлар ва ўсмаларга тўғри келади.

Н.Е.Осипов ва бошқалар (1976) бўйича серрологик диагностика усули яхши натижа бериши катта эътиборга сазовор. Ёмон сифатли ўсимталарни аниқлашда периферик қонни гематологик текшириш ёрдамчи усул сифатида қўлланиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ўсмаларни аниқлашда ҳар хил клиник текшириш усулларида фойдаланиш яхши натижа беради ва уларни аниқлашда ёрдам беради.

О. А. Кулешова (2012); таъқидлашча замонавий мегаполис шароитида одам ва ветеринария тиббиётига қарашли онкологик касалларнинг фоизи йилдан йилга ошиб бормоқда. Ит ва мушукларнинг барча касалликлари орасида ўсмалар 8–18% ни ташкил қилади, бундан сут беzi ўсмаларига 25–30%, тери ўсмаларига – 25%, скелет ўсмаларига – 3,9 – 5,8 %, лимфомалар – 3%, еркак ҳайвонларнинг репродуктив тизимида – 5 – 15 %, орқа мия ўсмаларига – 1,5% (**С.А.Ягников, М.Л. Лукоянова и др. 2005**);

бурун бўшлиғи ўсмаларига – 1–2% (**Я.А.Кулешова, 2008**), жигар ўсмаларига – 1% дан камроқ, итларнинг бош мия ўсмаларига 1,5 – 3% ва мушукларда – 1–2% тўғри келади.

А.С.Токин (2007–2011) кўрсатишича, итларнинг ўсмали касалликлари ветеринария тиббиётининг актуал муаммоси бўлиб келмоқда. Катта шаҳарларда 30% дан ортиқ 5 ёшдан катта итлар турли гистогенез ва локализасияга ега ўсмалардан халоқ бўлади. Муаллифнинг маълумотларига кўра 2007–2010 йиллар мобайнида бурун бўшлиғи ва буруннинг қўшимча коваклари зарарланиши симптомокомплекси билан 175 ит аниқланди. Бунда 73 хайвонда (41,7%) яллиғланиш симптомокомплекси бўлса, 102 тасида (58,3%) ўсмали жараён ривожланган еди. Ҳатарли ўсмалар 86 (84,3%) итда ҳатарсиз ўсмалар еса 16 (15,7%) аниқланди. Ҳатарсиз ўсмалар (8 ҳолатларда) 7 ёшдан 9 ёшгача итларда учрайди. Ҳатарли ўсмаларнинг максимал миқдори (25 ҳолатларда) 2–5 ёшли хайвонларда ривожланади. Бурун бўшлиғининг ўсмали касалликлари енг кўп зооциз итларда аниқланди (27 ҳолатларда – 26,47%). 13 ҳолатларда (12,75%) Пудел ва 12 ҳолатларда (11,76%) Лайка зотларига мансуб итлар касалланади. Енг кам Колли овчаркалар касалланади.

П.Ф. Терехов (1983) таъкидлашича 190 йирик шохли хайвон, 42 от ва 1348 итни текшириш натижасида йирик шохли хайвонлар орасида ўсмалар 3 ёшгача учрайди ва 54,6% ни, отлар орасида 4–9 ёшда – 45,2% ни, итларда 8–9 ёшда – 14,4% ни ташкил қилиши аниқланди.

Р. Петров (1983); Г.И.Абелев, (1977) ларнинг таъкидлашларича Нидерландияда ўсмаларнинг тарқалиши қуйидагича: ҳар бир 100 минг бош йирик шохли хайвонлар ва отлар орасидан 60 та йирик шохли қорамоллар ва отлардан 110 таси ўсма билан касалланган. бу кўрсаткич АҚШ да 207 бош қорамол ва 50,6 бош отни ташкил қилади.

Е.Ю.Гуменная (2003) Красноярск ГАУ қошидаги “ВИТА” клиникасига 2000 йилда 67 (бошқа жарроҳлик патологиясига нисбатан

11,7%), 2001 йилда 91 (14,6%), 2002 йилда 113 (16%), 2003 йилнинг 9 ойида еса 123 бош ҳайвонлар ўсмали касалликлар билан қабул қилинган. Ўсма билан касалланган 123 бош касал итлардан 68 (55,6 %) тасида ҳатарли ўсмалар топилди.

Я.А.Кулешова, Е.А. Ягников (2008); [ҳттп://ягников.ру/дирестионс/—онсологй/100—опухоли—нос.](http://ягников.ру/дирестионс/—онсологй/100—опухоли—нос.) бўйича итларнинг бурун бўшлиғидаги ўсмалар барча онкологик касалликларидан 1–2 % ни ташкил қилади. Аммо катта мегаполис шароитида уларнинг фоизи бир неча маротаба ўсади.

Ўсмалар муаммоси биологик фанлар қаторида ҳамда тиббиёт ва ветеринария ходимлари нуктаи назарида катта қизиқиш уйғотиб келган долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида кўпгина соҳа мутахассислари илмий изланишлар олиб бориб фан учун керакли бўладиган самарали ютуқларга эришиб, соҳа ривожига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳайвонлар организмида кечадиган барча турдаги патологиялар орасида ёмон сифатли ўсмалар патологияси тиббиёт ва ветеринария назарияси ва амалиёти учун муҳим ва долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Ҳайвонлар организмида кечадиган ўсмалар патологиясини одамларда кечадиган ўсмалар патологияси билан таққослаб бўлмаса ҳам ёмон сифатли ўсмалар муаммоси ветеринарияда ҳам етарлича долзарб муаммо хисобланади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ўсма билан касалланиши натижасида хўжаликларга катта иқтисодий етказилади, чунки бу касаллик билан сўйилган ҳайвонларнинг гўштидан зарарланган жойлар олиб ташланади, бундан ташқари ҳайвон ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтиришга тўскинлик қилиб махсулдорлигини камайтиради ва баъзи ҳолатларда ҳайвон ўлимига олиб келади.

Ҳайвонлар организмида содир бўладиган бластомотоз жараёнларни ўрганиш муҳим вазифа бўлиб, айниқса таққослаш патология аспектида катта

аҳамиятга эга. Ўсмалар табиатда кўп тарқалган бўлиб, одамлар ҳамда барча турдаги ҳайвонларда, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари, лаборатория ва йиртқич ҳайвонларда учрайди. Уларнинг шакли ва тўзилиши ҳамда жойлашиш жойи ҳар хил бўлишига қарамасдан ўсиш қонуниятлари, организмга кўрсатадиган таъсири ва клиник ифодасида баъзи бир хилликлар ҳам бўлади. Одам ва ҳайвонларда учрайдиган ўсмалар бошқа касалликлардан фарқли ўлароқ ягона принципиал гуруҳ бўлиб, умумбиологик аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ҳайвонлар организмда айниқса итларда саратон ўсмаларининг экспериментал шароитларда чақирилиб, уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш тиббиётда кенг қўлланилади. Бу эса одам ва ҳайвонларда умуман тирик организмда айрим ўсмалар жараёнларининг кечиш қонуниятлари, клиник ифодаси, кечиши ҳамда даволаш ва олдини олиш муаммоларини ҳал этиш имконини беради. Шунинг учун итлар ва бошқа ҳайвонлар ўсмаларини ўзоқ муддат клиник кўзатиш ҳамда организмга таъсирини ўрганиш организмдаги бластомоз ўсишнинг айрим қонуниятларини аниқлашга ёрдам беради.

Одамларда учрайдиган ёмон сифатли ўсмаларни келиб чиқиши қонуниятларини ҳайвонлар ўсмаларини келиб чиқиш қонуниятларидан алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Ҳайвонлардан олинган натижалар одамларда учрайдиган ёмон сифатли ўсмалар билан курашиш пойдевори бўлиб ҳисобланади. Шунини айтиш лозимки, ветеринарияда ҳайвонларнинг саратон ўсмаларини ўрганиш тиббиётдаги каби кенг ривожланади.

Ўсмалар асосан ҳайвонлар ҳаётининг иккинчи ярмида пайдо бўлади ва барча турдаги ҳайвонларда, шунингдек ўсимликларда ҳам учрайди. Ҳайвонлар орасида ўсмаларнинг тарқалишини ёш билан боғлиқлигини итларда яққол кўриш мумкин.

К.Н.Терехов (1983) маълумотларига кўра ветеринария клиникасида кабул қилинган 2500 та итлар орасида ўсмаларни ҳайвон ёшига қараб тарқалишини ўрганиб, шундай хулосага келганки, ўсмалари бўлмаган итларнинг ўртача ёши 3,5 йилни ташкил қилади, ўсма билан касалланганлари 8 ёшни ташкил қилади. Ўсмалар билан касалланиш олти ёшга бориб кескин кўпаяди ва шу даражада 10-13 ёшгача давом этади. Шундай қилиб, ўсмалар билан касалланган итларнинг 50% ини 6-10 ёшликлари, 25%ни 5 ёшгача бўлган итлар, қолган 25% и 10 ёшдан катталари ташкил қилади. Ўсма билан касалланган итлар 1-5 ёшлар орасидаги итлар гуруҳига киради, 27% бир ёшгача 5% и 10 ёшдан каттасини ташкил қилади.

Ю.М.Васильев (1997) таъкидлашига кўра ўсма билан касалланган итларни ўртача ёши 3,8 ёшни ташкил қилади.

П. Ф. Терехов (1983) нинг маълумотига кўра ўсмалар барча касалликларнинг 1% ни ташкил қилади яъни ҳар 100 минг ҳайвонга 100 таси тўғри келади. Бошқа маълумотларга кўра 1318664 бош шохли ҳайвонлар орасида 8268 тасида (0,63%) ўсма аниқланган.

Я. А. Кулешова (2007) таъкидлашича ит ва мушукларнинг бурун бўшлиғи ўсмалари барча ўсмалардан 1–2 % ни ташкил қилади. Аммо ҳақиқатда бу кўрсаткич анча катта. Бунда хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг нисбати 10:1 ни ташкил қилади.

Р.Зюсс, В.Кинсел, Скрибнер дж. ва бошқ. (1987); Г.И.Абелев, (1987) лар таъкидлашича Недерландияда ўсмаларнинг тарқалиши қуйидагича: ҳар бир 100 минг бошга йирик шохли ҳайвонлар орасида 60 та, отларда 110 таси тўғри келади, АҚШ да бу кўрсаткич 207 ва 50,6 ни ташкил қилади.

Ю.М. Васильев (1997) айтиши бўйича «Ёмон сифатли ўсмалар бу оддий касаллик эмас бу патологик жараёнлар гуруҳидир».

Г.И. Абелевнинг (1977) кўрсатиши бўйича ўсмалар барча ҳайвонларда учраши мумкин, бу ҳолат уни бошқа касалликлардан фарқлайди. Бундан кўриниб турибдики, ўсмалар умумбиологик муаммо бўлиб ҳисобланади. Илгари барча яхши ва ёмон сифатли ўсмалар ягона термин «рак» деб номланган, рак бу - биологик ҳодиса, уни тушуниш учун барча замонавий биологик фанлар қонунларига таяниш лозим.

1.2. Итларда учрайдиган хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари.

Айрим олимлар ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари ирсият детерминантликка боғлиқ деган фикрни билдирмоқдалар. Айримлари ракни туғма ёки ирсий келиб чиқишининг нисбати бир хил деб ҳисоблайдилар. Инбридинг асосида текширишларни ўтказиш натижасида айрим олимлар генетик назарияни қўллаб қўвватламоқдалар, улар ракни мутлоқ ирсий касаллик деб ҳисоблайдилар.

К.Н.Терехов (1983) маълумотларига кўра айрим пайтда ҳайвон ва балиқда ўсмаларга нисбатан ирсий детерминация кўзатилади, лекин кўпинча уларни келиб чиқишига бошқа омилларга мойиллиги борлиги аниқланади.

Айрим зотдаги йирик шохли ҳайвонларда кўз карциномасига ирсий сезувчанлик аниқланган ва шу билан биргаликда ташқи муҳитнинг таассуротлари қуёш ёруғлиги ва озиқлантириш миқдори таъсир қилади деган фикрни билдиради. Тан олиш керакки ирсият ўсмаларнинг келиб чиқишига ва жойлашишида катта роль ўйнайди. Лекин ирсият омиллари ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун кўпинча ҳар хил ички ва ташқи таассуротлар асосан канцероген моддалар таъсир қилади.

Экспериментал текширишлар ва клиник кўзатишлар кўрсатдики, ўсмаларни келиб чиқишига ва ривожланишига гормонал омиллар ҳам таъсир қилади.

Сичқонларда ўтказилган тажрибаларда экстроген гармонларни қўллаш нафақат урғочи балки эркак сичқонларда ҳам сут беzi ракини чақирганини аниқланган. Сичқонларда оварио эктомия ўтказилгандан кейин сут беzi ўсмасининг кичрайиши аниқланган.

Ҳайвонларда айрим ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган.

Бунда итларда сут беzi ўсмаси яхши намоён бўлади. Уларга экстрогенлар таъсир этишининг исботи – оварио эктомия ўтказилган урғочи итларда сут беzi ўсмаси жуда кам учрайди. Касалликларни бичганда ўсма ўсишдан қолиб айрим пайтларда қайтади.

Простата безининг ўсмасида гармонал припаратларни ишлатиш яхши натижа бериши яъни ўсмалар гормон таъсирида кичрайишини яна бир марта кўрсатади.

Ўсмаларнинг келиб чиқиш назарияларини кўпчилигида, уларни организмга салбий таъсирларининг маҳаллий ва умумий бўлиши ва ҳамма вақт ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади деган фикрлар хато ҳисобланади.

Ўсмаларнинг келиб чиқиш назариялари кўпчилигида, уларни организмга салбий таъсирларининг маҳаллий ва умумий бўлиши ва ҳамма вақт ҳам тўғридан тўғри таъсир қилади, деган фикрлар хато ҳисобланади. Эндоген ва экзоген таасуротлар уларда алмашинувчи регенерацияни ривожлантиради ва тўқималардаги ўзгаришларга олиб келади. Кўпгина онкологлар фикрига кўра, бластомоген кўпайишнинг асосида модда алмашинувининг бузилиши айниқса оқсил ва углеводларнинг миқдорий ўзгаришлари ётади.

Охирги пайтда олинган маълумотларга кўра, канцероген омиллар таъсирида ҳужайра аппаратидаги генларнинг бузилиши ва уларнинг тўхтовсиз кўпайиши кузатилмайди.

Ҳозиргача раkning кўпгина шаклларининг келиб чиқиш сабаблари икки йўналишига бўлинади: биринчиси бўйича ҳужайра ичидаги жараёнларда биокимёвий ўзгаришлар кўзатилади, бунинг натижасида нормал ҳужайралар ўсма ҳужайраларга айланади. Иккинчи йўналиш бўйича ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари вируслар эканлиги аниқланади. Вируслар таъсирида нормал ҳужайраларнинг ички модда алмашинувининг бузилиши натижасида улар бластомогенозга учраб, ўсма ҳужайраларга айланиши аниқланди. Ҳозирги пайтда кўпгина олимлар ўсмаларнинг келиб чиқиш сабабларини кўп таасуротли, деб ҳисобламоқдалар.

Ёмон сифатли ўсмалар хирургик йўл билан олиб ташлангандан кейин кўпинча яна шу жойида қайта пайдо бўлади ва бошқа тўқималарга тарқалади. (метастаз бериши). Айрим пайтларда ўсмаларнинг қайта пайдо бўлиши улар олиб ташлангандан кейин кўзатилмайди, лекин кўп ҳолларда бирламчи ўсмани хирургик йўл билан олиб ташлаш, метастаз ўсишини активлаштиради. Бундай ҳолларда ўсма ҳужайралари кўп миқдорда қон ва лимфага ўсиб, уларда яшаб бутун организмга тарқалади.

Ю.М.Васильев (1992) бундай стимуляция ҳолатини раkning “портлаш” ҳоссаси деб аталган.

Операциядан кейин ўсманинг организм ичига тез тарқалиши ҳайвонларда ҳам кўзатилади. Ҳайвонларда айрим бирламчи ўсмалар “портлаш” ҳоссасига эга эмас, шунинг учун операция усули яхши натижа беради. Ўсма қанча олдин олиб ташланса, даволаш самараси шунча юқори бўлади. Агар метастазлар ривожланган бўлса хирургик усул яхши натижа бермайди. Клиник текширувлар шуни кўрсатадики, ҳайвонларда ўсмаларда

хирургик усул билан даволанишнинг яхши натижа бериши куйидаги ҳолларга боғлиқ:

1. ўсма соғлом тўқималар чегарасида олиб ташланиши лозим. Соғайиш ўсма элементини тўлиғича олиб ташлаш билан боғлиқ, яъни ўсмани регионлар лимфа тугун билан олиб ташлаш лозим.
2. касал ҳайвонларни мувофақиятли даволаш учун ўсмани олиб ташлаш билан биргаликда организмнинг ҳимоя реакцияларини оширишига қаратиш керак.
3. хирургик операция усули билан ўсмани олиб ташлаш вақтида абластика ва антибластика қоидаларига риоя қилиб рецидивларнинг олдини олиш мумкин.
4. операция қилиш вақтида ўсма тўқимасининг шкастланишини олдини олиш тез-тез асбобларни алмаштириш, операция вақтида қайта стерилизация қилиш, қон оқишини тўлиғича тўхтатиш, қўлини 2% хлорамин билан ювиб туриш.
5. ўсмаларни хирургик усул билан олиб ташлашда норкоз ва маҳаллий оғриқсизлантиришдан кейин фойдаланиш.

Ҳайвонларда ёмон сифатли ўсмаларни аниқлаш жуда мураккаб иш бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ўсмалар ички органларда бўлган пайтларда уларнинг диагностикаси жуда мураккаб. Чунки ўсмаларнинг ривожланиш даврида оғриқ сезилмайди ва уларнинг мавжудлиги клиник намоён бўлмайди. Шунинг учун касал ҳайвоннинг бирламчи текшириш ўсма анча ривожланмаганлиги аниқланади. Фақатгина суяк ўсмаларининг бошланғич босқичига ҳайвонлар оёқларининг функцияси бузилади ва уларда оқсаш пайдо бўлади. Агар ўсмалар тери, оёқлар, елин, жинсий органлар, бош, танада бўлса диагноз қуйиш осон кечади, фақатгина ўз вақтида даволанишни олиб бориш керак. Айрим пайтларда ҳайвонлар эгалари ўсмаларни даволаш қийин кечиши ва кўпинча яхши натижа бермаслигига ишониб, ветеринария врачларига кеч мурожаат қиладилар.

Ёмон сифатли ўсмани текшириш вақтида асосан унинг қайердан ўсиб келишини, шиш характерини, унинг тарқалишини аниқлаш лозим. Ўсмаларга диагноз қўйиш вақтида анамнез маълумотига эътибор бериш лозим.

Ҳайвонни текширишда ўсмани пайдо бўлган вақтини, ўсиш даражаси ва тезлигини аниқлаш лозим. Айрим ўсмаларнинг елин, сийдик-жинсий органларида ўсиши бир маромда эмас, у бир кучайиб кейин регрессияга ҳам учраши мумкин. Бу кўпинча жинсий циклларга боғлиқ яъни организмда айрим гармонларнинг миқдори ошиб кетиши натижасида тезлашиши мумкин. Ҳайвон эгасидан маълумот олганда ҳайвоннинг бурнидан, кулоғидан, қинидан, препуция халтасидан, орқа чиқарув тегишидан оқадиган патологик суюқликлар чиқиш кунини аниқлаш учун майда ҳайвонларда (ит, мушук) куйга келиш, унинг пайдо бўлиш вақтини эътиборга олиш керак. Қабул қилиш пайтида ҳайвоннинг семиз ориқлиги ҳам эътиборга олинади, чунки ўсмаларда ҳайвонларда рак кахекцияси ривожланади.

Ўсмани ўсиш тезлигига ҳам катта эътибор бериш лозим, ёмон сифатли ўсмалар прогрессив катталашиб кетиши мумкин. Агарда ўсма ўсиб, кейин ўсиши секинлашиб қолса, ўсмада малигнизация жараёни кечишини билдиради.

Диагноз қўйиш вақтида қуйидаги текшириш усулларида фойдаланиш мумкин: кўздан кечириш, пальпоция, аускультация, ректаскоп ёрдамида тўғри ичак ўсмаларини аниқлаш. Рентген қилиб текшириш ҳам яхши натижа беради, унда юмшоқ ва қаттиқ тўқималардаги ўсмаларни аниқлаш мумкин. Кўздан кечириш усули ёрдамида қуйидагиларни аниқлаш мумкин: Ҳайвон ҳолатини унинг безовта бўлиши ёки кучаниши, семиз-ориқлиги, танасида ассиметрия пайдо бўлишини.

Патологик жараённи текшириш вақтида қуйидагиларга эътибор бериш лозим: шакли, катталиги, яралар борлиги, ташқи кўриниши. Атрофдаги

тўқималарни текшириш вақтида ўсманинг характери, унинг келиб чиқиш жойини, метастазлар борлигини аниқлаш мумкин.

Пальпация билан қуйидагилар аниқланади: консистенция, юзасининг характери, чегаралари, атрофдаги тўқималарга таъсири, чуқурлиги, ҳаракатчанлиги, ориқлиги, маҳаллий ҳарорат мавжудлиги. Қаттиқ ва жипс консистенция, юзасининг ғадир-будирлиги, аниқ чегараси йўқлиги ёмон сифатли шишларга хос бўлади.

Қорин бўшлиғидаги ўсмаларни аниқлаш вақтида бимануал усулини қўллаш яхши натижа беради. Бундан ичкарида қаттиқ ғадир-будир ва зич нарсалар аниқланади. Агарда нафас олиш мароми бузилса унда перкуссия, аускултация усулини қўллаш таклиф қилинади. Бунда нафас олишнинг характери, бегона товушлар пайдо бўлишини, айрим жойларда қаттиқлашгани аниқланади. Ўсмаларни аниқлашда рентген усулидан фойдаланиш яхши натижа беради, айниқса кўкрак бўшлиғидаги органларни текширишда, бунда ўсманинг жойлашиш жойини, унинг шаклини, катта кичиклигини атрофдаги тўқималарига таъсирини аниқлаш мумкин.

Ҳайвонларда ўсмаларни олдини олиш ва даволаш бўйича умумий таклифлар.

Ўсма касаллиги билан кўрашиш мураккаб ва қийин иш. Унга ўсмаларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, текшириш ва керак бўлса, даволаш тадбирлари киради. Хўжалик шароитида бунини ҳайвонларни деспанзаризациядан ўтказганда амалга ошириш мумкин. Касал ҳайвонни даволашда унинг хўжалик учун қимматлиги, бластомоз жараёнининг метастазлашганлиги, ҳайвоннинг умумий ҳолати аниқланади.

Ҳозирги пайтгача ўсмаларни полиэтиологик келиб чиқиши тўғрисида тўлиқ билимга эга бўлмасликда унинг ривожланиш механизми мураккаблиги ва эрта аниқлаш қийинлиги ётади. Клиник текширишлар ва ҳайвонларда

ўтказилган тажрибалар ўтказиш, ҳозирги замонавий усуллардан фойдаланиш рақ табиатини аниқлашга ёрдам беради.

Ракнинг ривожланиш механизми мураккаб бўлишига қарамасдан, медицина онкологияси бу касалликка қарши кўрашиш чора-тадбирларини ишлаб чиққан ва аниқлангандан кейин даволашни олиб борган. Ўсмаларни даволашни замонавий принциплари ҳар хил: улар хирургик усуллар, нурлантириш ва дори воситалар қўллшга асосланган. Охирги йилларда клиник иммунотерапия усули ишлаб чиқилмоқда. Ўсмаларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши организм ҳолати ва ташқи ҳамда ички омиллар таъсир қилиш билан боғлиқ.

Ўсмалар фотогенезни тушуниш омили патологик учоққа маҳаллий таъсир қилишини инкор этмайди. Қайтанга барча даволаш усулларини ўсмага қарши йўналтириш лозим, чунки агарда ўсмани даволашнинг иложи бўлмаса, у прогрессив катталашиб ҳайвон ўлимига олиб келади. Ўсмани бошланғич даврида тўлиғича олиб ташлаш соғайиб кетишига олиб келади. Бундан ўсмалар терапиясининг асосий қонуни келиб чиқади. Ўсмани даволаниши унинг барча элементларини йўқотиш билан боғлиқ. Бундан ташқари ўсма касаллигини даволанишнинг мувофақияти уни радикал усул билан олиб ташлашдан ташқари, организмнинг ҳимоя функцияларини кўтаришга йўналтиришда ётади. Ветеринария амалиётида ўсмани хирургик усул билан даволаш асосий ҳисобланади. Лекин ундай олинadиган натижа ҳамма вақт ҳам юқори бўлмайди. Нурлантириш терапияни қўллаш ҳам ветеринарияда кенг тарқалган. Рентгенотерияни қўллаш амалий аҳамиятга эга эмас, чунки уни ўтказиш механик жиҳаттан нафақат катта балки, майда ҳайвонларда ҳам анча мураккаб бажарилади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, итлардаги жинсий организмларнинг альвеолалар (трансмиссив) саркомаси рентген нурларига анча сезувчан ва у тез регрессияга учрайди.

Ҳозирги пайтда ит қини саркомасини даволашда унинг ташқи ва ички омиллари таъсирида канцерогенезланиши организмдаги умумий

Ўзгаришларга олиб келади ва маҳаллий ўсма ҳосил бўлишини таъминланиши аниқланган.

Итларда қин саркомасини даволашда беттатрондан фойдаланиш Б.Р.Ланушинская томонидан таклиф қилинган. В.Шелев (1975й) ва бошқаларнинг таъкидлашича, бу фақат назарий томондан қизиқтиради. Чунки бундай мослама бирорта клиникада ва факультетда йўқ. Бундан ташқари беттаронни ветеринарияда ишлатиш учун ишлаб чиқарилмайди. Химиотерапевтик моддалар ва биологик препаратлардан фойдаланиш, организмни ҳимоя воситаларини оширишга йўналтирилгандан ташқари улар ўсмалар ўсишини тухтатиш ва тарқатишни олдини олиш учун ёрдам беради.

Ракка қарши юзлаб препаратлар синовдан ўтказилган лекин клиник онкологияда улардан ўнтасини қўллаш мумкин. Афсуски, кўпгина ўсишга қарши препаратларга ўсмаларнинг резистентлиги юқори. Бундан ташқари уларнинг кўп организмга салбий таъсир қилади. Ҳозирги пайтда рак иммунотерапияси бўйича интенсив текширишлар олиб борилмоқда, лекин амалиётда иммунотерапияни қўллаш анча чегараланган. Шунга қарамасдан организмнинг бластомоз жараёнига қарши резистентлигини ошириш анча қизиқарли муаммо ҳисобланади.

Ўсмалар катталашиши билан ҳайвонларнинг қонида ўсма хужайраларини аниқлаш мумкин, шунда улар метастаз манбаи бўлиб парчаланган ўсма тўқимаси ҳисобидан пайдо бўлиши мумкин. Улар биргина ёки анча вақт ўтгандан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу жараённинг кечиши бир мунча ўсма сифатига боғлиқ, бундан ташқари операцияни ўтказиш жараёнида областика ва антибластик қоидаларига риоя қилиш ўсмани жойлашиши, фотографиясига ва унинг лимфа тугунларига яқинлигига, хирургик операцияни ўтказиш муддатига ҳам боғлиқ, у анча олдинроқ олиб ташланса, шунча пайдо бўлиши гумони бўлади. Қайта пайтларда ўсма хужайраларининг фарқланиши ва прогрессив пасайиши кўзатилади. Ўсмалар метастази (тарқалиши) асосида бластомоз

хужайраларининг атроф тўқима органларига тарқалиб у ерда янги ўсма ҳосил бўлиши ётади.

Ю.М.Васильев (1992) микрофотография усули ёрдамида рак хужайраларининг ҳаракат қилиш тезлигини аниқлаган. Улар бир дақиқада 4,4 мкм.га сичқон саркомасининг хужайралари 6,2 мкм дақиқада тезлик билан ҳаракат қилади. Текширишлар асосида автор қуйидаги хулосага келади. Ўсмага хужайраларнинг тарқалиши яъни метастаз бериши уларнинг ҳаракатчанлиги билан боғлиқ. Бу ҳол хужайра юзасидаги калцийнинг миқдори билан боғлиқ.

Рак хужайраларининг глалуронидаза ишлаб чиқиш хусусияти, уларнинг атроф тўқималарга кириб боришини таъминлайди, бунга сабаб бириктирувчи тўқималарни тузилиши асосидаги глалурон кислотасининг мавжудлигидир.

Метастаз жараёни уч этапга бўлинади:

1. Ўсма хужайраларининг томирларга кириб бориши.
2. Ўсма хужайраларининг қон ва лимфа орқали тарқалиши.
3. Имплантация, яъни Ўсма хужайрасининг янги жойга бориб бирикиши, ўсиши ва шу ерда янги иккиламчи ўсма тугуннинг ҳосил бўлиши.

Биринчи этапда ўсма хужайралари нафақат ўсма атрофидаги қон ва лимфа томирларига, балки ўсманинг ичидаги кенгайган ва фақатгина эндотелий билан қопланган томирларга ҳам кирадилар. Айрим жойларда ўсма хужайралари атрофдаги лимфа томирларга тутшиб кетади.

Ҳайвонларда олиб борилган текширишлар кўрсатишича ўсмадан ўзоқ турган жойнинг қонида ҳам ўсма хужайралари аниқланган. Метастазлар ҳамма вақт ҳам ҳосил бўлмайди. Бундан келиб чиқади — метастаз пайдо бўлишига ва ривожланишига ва алоҳида шароит бўлиши лозим. Шулардан асосийси ўсмани ёмон сифатлилигидир.

Иккинчи этап, яъни метастазланиш қон ва лимфа айланиш қонуниятларига боғлиқ. Қон ва лимфа йўлларида бирламчи филтр ҳисобланадиган лимфоид тўқимада биринчи бўлиб метастазлар ҳосил бўлади. Рак ўсмаларининг хужайралари лимфа йўллари орқали томирларга кириб лимфа тугунларига тушадилар ва у ерда ушланиб қолиб янги ўсма ўчоғини ҳосил қилади.

Кўпинча рак хужайралари лимфа тармоғига тушиб венага ўтади ва юракнинг ўнг тарафи орқали катта қон айланиш доирасига тушиб паренхиматоз ва организмнинг бошқа тўқималарида метастазлар ҳосил қилади.

Учинчи этап метастазланиш жараёнининг асосийси ҳисобланади. Ёмон сифатли ўсма хужайралари қон ва лимфа томирларга тушиши билан ҳамма вақт ҳам ўсма метастази ҳосил бўлмайди. Клиник –гистологик текширишлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, ёмон сифатли ўсма хужайралари қон ва лимфага тушиб янги жойда кўпинча нобуд бўладилар. Қатъиян шуни таъкидлаш мумкинки қон ва лимфага тушган ўсма хужайраларининг кам қисми организмда янги жойда ўрнашиб ўсади. Айниқса, бу гистеоцистома, семинома ва трансмиссион саркомаларга хос. Метастаз пайдо бўлиши учун ўзига хос шароитлар бўлиши керак, айниқса организмнинг ҳимоя кучларининг сусайиши бунга асос бўлади, улар етарли бўлганда бундай хужайралар нобуд бўлади. Бундан ташқари маҳаллий жароҳатлар ҳам катта рол ўйнайди, чунки айрим хужайраларнинг организмда яхши кучадиган жойлари мавжуд. Масалан, итлардаги простата ва қалқонсимон беzi раки суякка метастаз беради. И.В.Иванов (2000) нинг маълумотларига кўра, янги ўсадиган ўсмалар жинсий аъзонинг бир тарафида, яъни пастки ёнбош юзасида жойлашади.

П.Я.Фомина (1988) ўсмаларни гистологик текширишлари натижасида шундай хулосага келган - жинсий аъзо фибропапилломатозида тугунларнинг

асосини фиброз тўқима ҳосил қилади ва унинг ўсти гиперплазияга учраган эпителий билан қопланган.

В.Б.Борисович (1994) маълумотларига кўра, итлар жинсий аъзосининг бош қисмида жойлашган ўсмалар катталашиб механик ишқаланиш натижасида қон томчилаб туради. Бунинг натижасида оғриқ пайдо бўлади, анемия ҳолати ривожланади, қондаги гемоглабик ва эритроцитлар миқдори камаяди.

В.Б.Борисович (1993), Г.И.Абелев (1977), П.Ф.Терехов (1983) ларнинг маълумотларига кўра, ўсмаларни операция йўли билан экстерпация жараёнида қон билан кўп таъминланадиган жинсий организмлардан катта қон оқишини кўзатиш мумкин, бу эса операцияни мувофақиятли ўтказишга ҳалақит беради. Шунинг учун уни тезроқ ва радикал тухталишини амалга ошириш лозим. П.Ф.Терехов (1983) таъкидлашича, ўсма олиб ташлангандан кейин ҳосил бўлган харажатларнинг битишини тезлаштириш учун уни чоклаш лозим. Ўсмани жойлашган жойи ва жароҳатининг катта кичиклигига қараб чокланишни амалга ошириш лозим

I. боб бўйича хулоса.

II. боб АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

2.2. Итларнинг кўпайиш аъзоларининг анатоми – топографик тузилиши.

Кўриш бўртиги, кулранг дўнглик, эпифиз киради. Кўриш бўртигида ташқи Кўпайиш аъзолари эркак ва урғочи ҳайвонлар жинсий аъзоларига бўлиниб, насл қолдириш вазифасини бажаради.

Эркак ит (кўппак) нинг кўпайиш аъзоларига уруғдонлар, уруғдон ҳалтаси, уруғ йўли, қўшимча жинсий безлар ва жинсий аъзо киради. Уруғдон жуфт жинсий без бўлиб, эркаклик жинсий ҳужайраларни, яъни уруғ ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Бундан ташқари уруғдон ички секреция безлари сифатида жинсий гормонлар ишлаб чиқариб, организмни жинсий уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Уруғдон уруғдон ҳалтасида жойлашади.

Уруғдон халтаси тери бурмасидан ташкил топган бўлиб, чов соҳасида иккита халтача шаклида ўрин эгаллайди. Итларда у орка чиқарув тешигининг пастида жойлашган. Уруғ йўли узун, ингичка най шаклидаги аъзо бўлиб, уруғдонда ҳосил бўлган уруғни чиқариш учун бирдан бир йўл ҳисобланади.

Қўшимча жинсий безларга пуфакчасимон, простата ва пиёзчасимон безлар киради, улар уруғдондан чиқаётган уруғни суюлтириш ва унинг ҳаракатланиш тезлигини ошириш учун хизмат қилади. Ит сперматозоидларининг ҳаракат тезлиги 1 дақиқада 2,6 мм га тенг.

Жинсий аъзо мураккаб тузилган бўлиб, муҳим вазифани бажаради: уруғдонда ишлаб чиқилган жинсий хужайраларни (уруғ, сперма) урғочи ҳайвоннинг кўпайиш аъзосига киритиш ва сийдикни чиқариш учун хизмат қилади. Ит жинсий аъзоси олд қисмининг асосида 8-10 см узунликда суяк жойлашади.

Уруғдон *testis (didymis, orchis)* жуфт жинсий без бўлиб, эркаклик жинсий хужайралар-сперма ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. (1-расм).

Унинг шакли эллипс шаклда булади, бош ва дум қисми, икки чети - эркин ва уруғдон ортиги томон четлари, ён ҳамда урта юзалари булади.

Уруғдонни бош қисми - *extremitas capitata* – бу отларда олди томонда, бунда уруғдон ортиги жойлашган. Бу қисмга кон томирлари нервлар келиб, уруғ тизмачасини ҳосил қилади. Шунга карама қарши (каудал) томонида уруғдоннинг дум қисми *extremitas caudata* –да уруғдон ортигини танаси жойлашади. Уруғдон ортиги томон чети –*margo epididymis*-юкори томонга йуналган ва уруғдон ортигининг танаси жойлашади. Унга карама қарши эркин чети *margo liber* –дейилади. Унинг остида пишик бириктирувчи тукимадан иборат – ок парда – *tunica albuginea testis* – бор. Бу парда уруғдоннинг бош қисми билан бирлашади ва унинг оралик қисмида аник булмаган тасмалар *mediastinum testis* – ҳосил булади.

Бу тасмалардан ташқари ок пардалар томон бир канча тусиклар – *septula testis*- утадида, уруғдоннинг ички қисмини бир неча камералар ичида эгри-

бугри каналлар – *tubula seminteri*- жойлашади. Эгри-бугри каналчалар девори хужайраларнинг бир қисми каналларни узунлиги 75 см, диаметри эса 0,1-0,2 мм келади. Эгри-бугри каналчалар кейин тугри каналчаларга – *tubuli recti*- айланади. Бу кубиксимон ёки ясси хужайралар билан копланган. Тугри каналчалар уругдоннинг икки қисми тасмалари орасида жойлашади ва бир бирига кушилиб, уругдон тури - *rete testis*- ни ҳосил қилади. Бу жой гоймор танаси - *corpus Highmozi* - деб ҳам юритилади.

Уругдон ортиги – *epididymi* - уругдоннинг чети танасида жойлашади. Уругдон ортигининг боши танаси ва думи булади.

Боши – *caput epididymis* - дан чиқарув каналчалари - *ductuli efferent es* - ҳосил бўлган, сони 14 та булиб, диаметри 0,5 мм булади. Бу уругдон туридан бошланади ва уругдон боши томон ўтиб, уругдон ортигининг йулига тушади. Уругдон ортигининг йулига – *ductus epididymis*- дейилади. Бу йулнинг умумий узунлиги 25-30 м булади ҳар қайси каналларнинг диаметри 1 ммга етади. Каналчалар уругдон ортигининг дум томонида уруг йулига кушилади. Уругдон ортигининг дум қисми уругдон билан махсус пай – *lig testis inguinale* - орқали бирлашади. Уругдоннинг ташқи юзаси махсус кин парда – *tunica vaginalis propria* - билан уралган.

Уругдон тизмачаси – *tuniculus spermaticus* - чов каналида жойлашиб, уругдонни ўтиб туради. Уругдон тизимчаси асосан уруг йулида кон томирлари, нервлар уругдонни кутарувчи ички мускул – *m. cremaster internus* - бу мускул силлиқ мускулдан иборат булиб, кучсиз булади, сероз ва фиброз пардаларидан тузилган. Уругдон тизимчаси қорин бушлигидан иккита бурмага булинади: кон томирлар бурмаси - *plica vasculosa* - бел томон ўтиб, ички уруг артериясига кушилади. Уругдон тизмачасини медиал юзасидан параллел ҳолатда кейинги четида сероз пардали - *plica ductus deferentis* - уруг йулига утади.

Уруг йули-*ductus deferens*-узун, ингичка пойча шаклидаги орган булиб, уругдон ортигидан бошланади. Уругдон тизимчаси орқали чов каналдан ўтиб, қорин бушлигига тушади, ундан уруг йули бурмаси-*plica ductus*

deferentis га боради, сунгра сийдик халтачасининг устки кисмидан ўтиб, тос бушлиги оркали сийдик жинсий каналига боради ва пуфакчасимон без йули кушилиб, уруг йуллари сийдик-жинсий каналининг бошланиш кисмига бориб, шилимшик парда буртиги-colloculus seminalis-ни хосил килиб очилади. Уруг йулининг шилимшик, мускул ва сероз пардалари булади. Уруг йулинишилимшик пардаси цилиндирсимон эпитемий хужайралари билан копланган. Мускул кавати силлик тўқималаридан иборат. Уруг йули ампуласи- ampula ductus deferentis булади.

Ёрғок-scrotum-тери ва эластик мускул пардалардан тузилган булиб ков суягини олдида чети корин девори томони бир оз кисилган булади.

Уругдон халтаси cutis scroti майда жун билан копланган ёғ ва тери безлари куп булади. Итларда жуда сийрак булади. Терини ранги баъзан кора рангда ёки ок отларда кизгичрок рангда булади.

Эластик мускул парда tunics dorsalis- тери остига ёпишган булиб, силлик мускул тўқималаридан тузилган. Эластик мускул парда уругдон халтасини уртасида тускич парда septum scroti ни хосил килади.

Уругдони тўтиб турадиган тизмача m. Cremaster externus кундаланг таргил мускул булиб, корин деворини ички кийшик мускулдан келиб чикади. M. Obliguus internus. Бу мускул умумий кин парданинг ён томонидан унга махкам ёпишган холда жойлашган булади, ёрғокдан фация (тукима пардаси) ажралиб тер билан жуда юза жойлашади. Шунинг учун уругдоннинг умумий кин пардаси теридан осон ажратиш мумкин (хайвонларни пичиш, яъни кастирация килганда).

Умумий кин пардаси tunica vaginalis communis Бу уругдони устини ураб оладиган икки варақдан иборат кин халтасидир, бу пардалар кин бушлиги cavum vaginale хосил килади. Зич толасимон пластинка lamina fibrosa корин девори кундаланг фасциясининг давоми хисобланади. Шунинг учун ҳам учов канали билан боғланадиган юкори кисми корин бушлиги билан бирлашади.

Сероз парда *lamina serosa* уругдонинг орка кисмига ва уруг ортигига ўтиб, уругдонинг сероз пардаси *mesorchium* ва хусусий пардаси *tunica vaginalis propria* хосил килади. Бунда хусусий парда *lamina serosa* висцперал сероз варак хисобланади.

Умумий кин пардасининг ортиги томонидан ёргокнинг кучсиз пайи *lig scroti* ёрдамида ёргок билан кушилади.

Шундай қилиб уругдон ва уругдон ортиги бир – бири билан умумий кин пардаси оркали чов пайи оркали – *lig inguinale* бирлашади, бу кастрация вақтида кесилади. Сийдик жинсий канали *canalis urogenitalis s urogenitalis masculina* деб аталишига сабаб шуки, унда жинсий хужайралар ҳам сийдик ҳам чиқади.

Сийдик жинсий канали шартли равишда икки бўлимга бўлинади. У тос ва жинсий аъзолар бўлиига бўлинади.

Тос бўлими сийдик жинсий каналига *pars pelvina urogenitalis* тос бўшлигида тугри ичак остида ва ковок-куймуч суяклари орасида жойлашади. Тос бўлимининг жинсий орган бўлимига утадиган жойи бир оз ингичкалашиб бўйин *isthmus urogenitalis*.

Жинсий аъзолар бўлими *pars penis s externe urogenitalis*. Бу тос бўлимини давоми бўлиб, жинсий органнинг бўйин кисмидан бошланиб, пастки томон бўйлаб жойлашади ва бошнинг пастки кисмида сийдик жинсий каналининг усимтаси *processus urogenitalis s urogenitalis* ни хосил қилиб ташкарига очилади.

Сийдик жинсий каналида шилимшик парда, ковок тана мускул қаватлар бўлади. Шилимшик парда эпителий хужайраси билан қопланган.

Ковак тана – сийдик жинсий канали *corpus cavernosum urogenitalis* тос бўлимидан камрок жинсий орган томонда эса яхши ривожланган. Ковак тананинг ички кисми бириктирувчи тўқималар ҳамда бир канча эластик ва силлик мускул тўқималаридан тузилган. Ковак танада жуда кўп вена қон томирларининг қишлоқлари бўлади. Улар қонга тулиб, эрекция ҳолатига келади. Бу эса жинсий қўзғалиш вақтида уруг хужайраларнинг яхши чиқиб

кетишини таъминлайди, чунки эрекция вақтида сийдик жинсий каналининг йули анчагина бушашади.

Мускул кавати силлик мускул тўқималаридан иборат унинг устки томонидан сийдик жинсий орган мускули urogenitals s uzethralis булади.

Ташки жинсий орган қисмида эса пиёзчасимон ковак мускул m bulbocavernosus булиб, у жинсий орган бошигача етиб боради.

Пуфакчасимон без glandula vesicularis иккита халтача шакилда булиб устки юзаси бир оз текис, 12-15 см узинликда, сийдик жинсий бурмасида ковуқнинг устида уруг йули безли қисмининг ён томонида жойлашади. Бунинг девори уч каватдан тузилган, ички шилимшиқ, урта мускул (силлик мускулдан) ташқиси узунасига ва айланасига жойлашади. Шилимшиқ кавати бир каватли цилиндрасимон эпителий туқимаси билан копланган.

Простата беги gl prostata бу ковуқнинг устида сийдик жинсий каналининг қисмида жойлашган. Бу устки томондан уруг йули ва чап булақчалари булади. Lob (lateralis) sinistr et dexter.

Безда силлик мускул тўқималари ва бириктирувчи тўқималари булади. Простата беги бир канча йуллари билан яъни (16-18 та ундан купрок) найчалар билан амалга оширади.

Простата беги ишлаб чиқган суюқлиги спермани ҳаракатини оширади.

Пиёзчасимон беги-(Мери Купера беги) gl bulbourethrale. Сийдик-жинсий канали пиёзчасимон қисминин олди роғида жойлашади. Бу без пиёзчасимон ковак мускули билан ёпишиб туради ва мускулни бу қисмига қуймуч жинсий сийдик мускули m.m uschiourethrales,

Бу қуймучсуягидан чиқиб, сийдик жинсий каналини остидан тос бушлигига утади.

Жинсий аъзо тос суягининг қуймич буртигида бошланади ва шу жойда иккита оёқча- scura penis - ҳосил қилади. Оёқчаларнинг ҳар қайсиси қуймич-ковак мускули –m ischiocavernosus билан копланган. Эрекция вақтида

бу мускулни ахамияти ката булиб, веноз коннинг окишини тухтади. Жинсий аъзонинг оёкчалари бирлашиб, жинсий аъзо-негизи- *radix penis* ни хосил килади. Негиз бакуват кутариб турувчи киска иккита пай- *ligg suspensoria* билан куймич суяги чокига бирлашиб туради: ковак тана ок пардадан тузилган ундан бир канча тускич ипчалар таркалиб, галвир шаклини хосил килади. Эрекция вақтида ана шу галвирсимон бушликларга кон куйилади.

Жинсий аъзо танаси –*corpus penis*-уртасидан унг ва чап қисмларга булинади. Боши – *glans penis* - жинсий аъзонинг энг олдинги қисми ҳисобланади. Оталарда жинсий аъзоси жуда салмоқли булиб ён томони сиқикрок говак танаси жуда ривожланган булиб боши калпоқча хосил килади *corona glandis* . Бошининг олд томонидан чуқурча –*fossa glandis* булиб ундан усимта *processus urethrae* чиқиб туради.

Буларда бошининг олд томони чуқурчаси қучли ривожланган булади.

Жинсий аъзонинг боши жинсий аъзо мускули - *m. retractor penis* - орқали халта ичига тортилади. Бу мускул кундаланг таргил мускулдан иборат булиб 2-3 дум умуртқаларидан, орқа чиқарув тешигининг икки томонидан бошланиб, жинсий аъзонинг бошида томон булади.

Итларнинг уругдон шакли эллипс шаклида булиб бош ва дум қисмидан иборат. Унинг бош қисмида уругдон ортиги жойлашган ва кон томир нервлари билан бирлашиб, уругдон ортигини хосил килади.

Урғочи ит (қанжиқ) нинг кўпайиш аъзоларига тухумдон, тухум йўли, бачадон, қин, қин даҳлизи ва ташқи лаблар (илмоқ) киради. Тухумдон жуфт аъзо бўлиб, қорин бўшлиғида III-IV бел умуртқаларнинг рўпарасида жойлашади, унинг оғирлиги 1г атрофида бўлади. Тухумдон тухум хужайралари ва жинсий гормонларни ишлаб чиқарадиган аъзо. Тухум хужайралари тухумдонда етилиб, тухум йўлига тушади. Тухум йўли эгри найча шаклида бўлиб, тухумдон билан бачадон шохи ўртасида жойлашади. У тухумдонда етилган тухум хужайраларини бачадонга ўтказиш учун хизмат килади, итларда унинг узунлиги 4-10 см га тенг.

Бачадон – ковак аъзо бўлиб, тана ва иккита шохдан ташкил топган, унда ҳомила ривожланади. Итлар кўп бола туғадиган ҳайвонлар гуруҳига кирганлиги учун ҳам, уларнинг бачадони узун ҳамда кўп бурмаланган бўлади.

Қин – пардасимон мускулли найча бўлиб, жинсий қўшилиш аъзоси ва туғиш йўли ҳисобланади.

Қин даҳлизи (сийдик – жинсий даҳлиз) урғочи ҳайвонлар жинсий аъзоларининг энг кейинги бўлими бўлиб, ташқи лаблар билан тугайди.

Куйикиш даврида ва кўппак билан қовушишда уруғ қанжиқнинг жинсий йўлларга киритилади. Тухумдон йўлида тухум ва уруғ хужайраси учрашиб бирлашади яъни оталаниш содир этилади. Оталанган тухум бачадонга тушиб, ҳомиланинг ривожланиш даврига асос солинади. Итларда бўғозлик даври 60-62 кун давом этади. Бу даврда қанжиқ организмда мураккаб ўзгаришлар вужудга келади.

Сут безларининг асосий функцияси - янги туғилган итваччаларга озиқа етказиб беришдир. Қанжиқларнинг сут безлари 4-5 жуфт бўлиб, қорин ва кўкрак деворининг пастки қисмида жойлашади. Улардан 1,5 ойгача сут келиб туради.

2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси, уларда жинсий органлар ўсмаларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси

2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси

Итларни сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Итларни сақлаш учун хоналарни куришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир қатор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи ҳайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ.) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва қуёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер майдони кичик бўлса, деворда эшик қолдирилади, акс ҳолда дарвоза қурилади. Уларга ишончли қулф қўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар қурилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м . Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилган. Вольернинг олд қисмида эшик ясалган, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м . Эшик ичкарига

очилади. Ҳар бир кабина ичида будка қурилган. Будка тўйнугининг ўлчамлари 40x50 см га тенг . Унинг томи ясси, силлиқ , чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишга мослаштирилган. Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, хашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғиштдан қурилган. Вольерларнинг ён деворлари ғиштдан, олд девори ва эшиги эса темир панжарадан ясалган. Кабина ва вольер поллари ғиштдан ясалган. Итларни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1x1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилган. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга қўмиб қўйилган. Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча қоқиб ўрнатилган. Унга ит тозалаш пайтида ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам эмас. Итларни қўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва овқат пишириш хоналари бор. Питомникда ветеринар лабораторияси , амбулатория ва стационар қурилган.

Туғиш хонасида туғишига 7-10 кун қолган бўғоз ва туққан қанжикларни сақланади . Унинг ичида кабиналар қурилган (2,5x3 м). Кабиналарда будкалар бўлиб, ёзда будкалар вольерга чиқарилади.

Онасидан ажратилгандан кейин ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланар экан. Улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6x6 м келадиган вольер қурилган. Унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламалар қўйилган.

Итни яқка тартибда сақлаш учун стандарт ўлчамдаги йиғма будкалар қурилган бўлиб, будканинг олдида 1x1,7 ўлчамда шит ётқизилган. Будка ёнида эса устун ўрнатилган ва итни боғлаб қўйиш учун унга халқа бириктирилган. Қишда будка турли иссиқ сақлайдиган ашёлар (эски кўрпа, брезент ва бошқ.) билан ўраб қўйилади. Девор эшиги доим қулфланиб ёпиқ турилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 400 дан ортиқ ит зотлари мавжуд бўлиб, булар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1.Хизматчи итлар

2.Овчи итлар

3.Декоратив ёки уй итлари.

Итларни сақлаш усуллари уларнинг умумий ҳолатига, ўсиш - ривожланишига, соғлиғига ва иш фаолиятига боғлиқ булади. Итларни сақлашни кўйидаги усуллари мавжуд: гуруҳда, далада, ҳовлида, уйчаларда ва ҳ.к. усуллари амалиётда қўлланилади. Гуруҳ усулида сақлаш махсус урчитиш, кўпайтириш, ўргатувчи ва ҳарбий қисмларда қўлланилади. Чўпон итлари доимо далада сақланади. Ҳовли ва дала ҳовлида сақлаш усуллари кишлоқ шароитларида амалга оширилади.

Кейинги вақтларда итларни уйларда сақлаш усули кенг қўлланилмоқда. Итларни гуруҳларда сақлаганда улар учун махсус бинолар қурилади. Улар хоначаларга бўлинган бўлиб, яйрашга чиқиш учун очик жой қолдирилади. Яйраш майдони текис бўлиб ҳеч қандак буюмлар бўлмаслиги керак. Итларни жароҳатланишига, териларини ифлос булишига нисбатан бермаслиги керак. Агар яйраш майдони зах ёки нам бўлса тахтадан тўсиқлар қўйилиб ердан баланлиги 20-30 см бўлиши керак. Тўсиқларни олиш. қўйиш осон бўлиши учун улар бир неча бўлақларга бўлинган бўлади. Итларнинг сони кўп бўлса айвонлар қурилиб алоҳида ҳар бир ит учун яйраш майдони ажратилади. Айвонлар иқлим шароитига ҳамда асосий шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Ҳар бир кабинага тахтадан узунлиги 1м, кенглиги 0,9 м ва баландлиги 0,8 м бўлган олиндиған уйчалар ўрнатилади. Ташқарига чиқиш учун 0,4 х 0,5 м туйниклар ўрнатилади. Уйчаларни томи яхлит, текис ва олиндиған бўлиб. атрофи тахта билан баландроқ қилиб кўтарилади. Иссик пайтлари итлар асосан томнинг устида ётади. Шунинг учун усти салкин бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Жанубий ҳудудларда итлар учун 1 x 0.8 м бўлган тўсиқлар ўрнатилиб, атрофи тахта билан ўралади. Тўсиқнинг пастида 2 та ёғоч болор қўйилиб, баландлиги 15 - 20 см бўлади. Совук пайтлари иссиқликни сақлаш учун уйчаларнинг ичига итларнинг ётадиган жойига похол, сомон, ёғоч кипиғидан нозик тўшама тўшаллади. Уйчалар ер ости сувлари чуқур бўлган жойларда, ёмғир ва қор сувлари тўпланмайдиган жойларга ўрнатилади. Улар хўжалик бинолари, саройлар, гараж, ҳожатхона, товукхона, отхона, кўйхона ва гўнғхоналардан камида 15-20 м узоқликда жойлаштирилиши керак. Итлар сақланадиган жойлар девор билан ўралиб, пойдевори 30 см чуқурликда бетон қилиниб, ғишт билан кўтарилиши керак. Майдоннинг 7-7,5 м² жойи бетон, асфальт ёки тупроқдан қилиниши мумкин эмас. Чунки у намликни ошириб итлар ўртасида шамоллаш касалликларини келиб чиқишига сабабчи бўлади. Энг қўлайи яйраш майдонларини тахтали полдан қилингани маъқул. Бундай поллардан 5-7 йил тулиқ фойдаланиш мумкин. Майдоннинг 5/1 қисми очик қолдирилиб кукаламзорлаштирилади. Яйраш майдонининг устидан ўлчами 1,5-2 м бўлган енгил айвонлар ёки соябонлар уйчанинг устидан қурилади. Майдонлар 2-3 кунда бир марта, уйчалар эса 1 ойда 2 марта тозаланади. Айвонлар итларни иссиқ уришидан, ёмғир ва қордан ҳимоя қилади. Итлар дала ҳавлиларда сақлаганда ўзларини яхши хис этадилар. Уларни сақлаш учун бўлиниб тайёрланадиган тахтали уйчалардан фойдаланилади. Уйчаларнинг ўлчами кичик итлар учун кенглиги 70 см узунлиги 55 см ва баландлиги 60 см бўлиши керак. Ташқарига чиқиш учун туйникнинг ўлчами 0,3x0,4 м., ўрта итлар учун (боксёр, ротвеллер) 1,15 x 0,75 x 0,8 м, туйниги эса 0,35-0,5 м., катта итлар учун (док, Кавказ овчаркаси) 1,35x0,95 туйнуги 0,4-х0,5м бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Уйчаларнинг девори 3 қавватли ички, ташқи қалинлиги 15 мм, ўртаси 30 мм ли қурук ёғоч қипиғи билан тўлдирилади. Бундан ташқари уйчанинг ичида олинадиган шифт бўлади. Бир қаватли уйчала қурук тахтадан қилинган бўлиб қалинлиги 30 мм бўлиб, полнинг қалинлиги 20 мм бўлади. Ташқи

томони 2 қаватли махсус ҳимоя қатлами билан қопланади. Томи текис бўлиб 1 ёки 2 томонга эгилган бўлиб ёмғир сувлари ўтмаслиги керак. Уйчалар нам бўлмаслиги учун унинг остига ёғоч болорлар қўйилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Уйчалар 1 ҳафтада 2-3 марта тозаланади. Озик - овқат берилган идишлар итлар овқатни еб бўлгандан кейин олиб яхшилаб ювилади. Итларни ҳовлида сақлаганда одамлар яшайдиган жойдан 15-20 м узоқликда ва баландроқ куруқ, тоза, елвизаксиз, қуёш нурлари тушадиган, ери эса ёмғир ёғгандан кейин тез қурийдиган жойдан жой ажратилади. Итлар учун атрофни кузатадиган жойи аниқ ва баландроқ бўлиши керак. Итлар саройларда сақланса улар учун табиий ёруғлик тушадиган алоҳида жой ажратилади. Дам олиши учун тўсиқ билан ажратилган жой белгиланади. Итларни молхоналарда, кўтонларда, омборларда, устахоналарда. автомобил саройларида сақлаш мумкин эмас. Итларни эркин ҳолда дала ҳовлиларда сақлаганда атроф тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Итларни сақлаш учун бинолар қўрилганда ёғоч устунлар ёки метал трубалардан фойдаланилади. Уларнинг пастки қисми ерга 30 см чуқурликда кўмилади. Кейин юқори қисми тахта билан бекитилиб метал тўр билан қопланади. Тўрнинг пасти ерга 15-20 см чуқурликда кўмилади. Яйраш майдони кум сепилади. Яйраш майдони тоза сақланиб, ит тезаклари ўз вақтида йиғиштириб олинади. Итларни далади дарахт, тўсиқ ёки қозикларга боғлаб сақланади. Яйловларда эса итлар учун уйча, чайла, ертўлалар қурилиб, кўтонга яқин бўлиши керак. Итларни уйларда сақлаганда итлар ҳар куни 3 марта ташқарига чиқарилиб яйратилади. Итлар учун уйларда алоҳида жой ажратилиб, остига юмшоқ материаллардан тўшама тўшалади. Гуруҳда сақлаганда итлар учун махсус уйчалар жиҳозланади. Уйчалар олдида ҳар бир ит учун алоҳида яйратиш майдончалари ташкил қилинади. Уйчаларни (кабина) узунлиги 2 м, кенглиги 1,5 м, олдинги деворни баландлиги 2,5 м., орқа томони 1,5-2 м, эшикнинг

баландлиги 1,7 м, кенглиги 0,7 м, эшикнинг устидан ойнали дераза ўрнатилади. Эшикнинг тагидан 0,4 х 0,5 м туйнук колдирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Яйратиш майдонида ёғочли тахланадиган уйча ўрнатилади. Жанубий районларда эса унинг ўрнига итларни ётиши учун тахтали пол килиниб, газлама материалдан баландлиги 15 - 20 см тўшама қилинади. Уйчаяарни ўлчамларни ҳовлида сақлаганда 1,2 х 0,9 х 1 м, томи бир томонга ёки икки томонга қараб эгилган бўлади. Уйчалар салкин жойларда, дарахтларнинг остига жойлаштирилади. Олдидан эса ўлчами 1,2 х 1,5 м тахтали тўсик ўрнатилади. Қишда уйча иссиқ сақловчи материаллар билан иситилади. Уйчалар доимо шамоллатиб дезинфекция қилинади. Уйчаларнинг асоси пол, девор, каркас ва томдан иборат. Итларни эркин ҳолда ҳовлида сақлаганда унинг атрофи девор билан ўралган бўлиши керак. Итларни бошқа ҳайвонлар қорамоллар, чўчқалар, қўйлар билан бирга ёпиқ биноларда сақлаш мумкин эмас. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итлар доимо парвариш килиниши, териси ҳар куни тозаланиши керак. Итларни терисини тозалаш учун қашлагичлар ишлатилади. Уларнинг жунини юлиб олиш мумкин эмас. Итларни терисида кўп миқдорда ўлган эпидермис хужайралари тўпланади, ёғ ажралиши натижасида улардан ёмон ҳид келади. Шунинг учун итларни илик +250 - 280С ли сувда совун, шампун ёки махсус зоосовунлар билан ювилиб, кейин тоза, куруқ сочиқ билан артилади. Итларни тез-тез ювиш тавсия этилмайди. Итлар асосан иссиқ пайтлари ҳар ойда бир марта ювилади. Итларни чўмилтириш улар организмнинг табиий чидамлилиқ қобилятини оширади. Шунинг учун итлар иссиқ пайтларн ҳар куни бир марта чўмилтирилади. Агар сувнинг ҳарорати +180С дан паст бўлмаслиги зарур. Чўмилтириладиган сув ҳавзасининг суви тоза бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Итларни чўмилтирадиган жойлар одамлар чўмиладиган, ҳайвонлар сув ичадиган жойлардан узок бўлиши яъни оқар

сувларнинг пастки жойларида чўмилтириш керак. Итлар озиклантиришдан 5-20 минут олдин чўмилтирилади. Айрим зотдор итларнинг жуни қирқшшб, уларнинг тери қоплами устига шакл берилади. Итларни жунини қирқиш жараёни курак, елка, буйин, бел, бош, кўкрак жунлари кейн оёқ буғим жунлари олинади. Бу жараён иссиқ пайтлари ёки баҳор ойларида бажарилади. Итларни асосан яйратишга олиб чиккан вақтда тозаланади. Итларнинг териси доимо ҳар хил ифлосликлар билан ифлосланади. Шунинг учун уларни иссиқ сув билан ювиб туриш керак. Итларни чўмилтириб туриш уларнинг организмни чиниқтиради. Шунинг учун итларни иссиқ вақтлари ҳар куни чўмилтириш мақсадга мувофиқ. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Айрим зотли итларни жуни олинади - олдин курак усти, елкаси, бўйни, боши, кўкраги ва охирида оёқларининг жуни олинади. Жунни олиш асосан баҳорда иссиқ пайтлари амалга оширилади. Итларнинг тирноқлари ўсиб кетса юришга ҳалақит беради. Шунинг учун тирноқларнинг учлари кесилади. Айрим зотли итларнинг қулоқлари, думлари кесилади. Итларни қандай усулда сақлаш боқидан қатъий назар улар яйратилиши зарур. Улар қунига камида 2-3 марта 30-40 дақиқа давомида тоза ҳавода яйратилиши лозим.

Яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралади. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралади, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга кўмилади. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилади. Эшик ичкарига қараб очилади. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинadиган узунлиги 1 м кенглиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилади. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м бўлади. Томи текс бўлиб атрофии тахта билан ўралган бўлиб олинadиган бўлиши керак. Ёзда итлар томнинг устида ётади. Шунинг учун уйча салқин жойга ўрнатилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Итларни тозалаш учун тароқ, қашлагич, тоза матолар қўлланилади. Тозалаш учун итларнинг чап томонидан туриб, олдин боши, бўйни, танаси, думи ва оёқлари тозаланади. Сўнгра шундай тартибда қашлагич унг қўлда ушланиб, чап қўлда эса тароқ ушланади. Итлар жуда кирлаган бўлса уни олдин похол ёки хашак тозалагич билан тозаланади. Юмшоқ жунли итларда бундай тозалаш жуда осон бўлади. Уларни териси ҳар куни патли сочиқ билан артилади. Ҳафтасига итларни икки марта тароқ билан тозаланилади. Тозалаш итларни жунларини ўсишига қараб ва аксинча утказилади. Улар тозалангандан кейин териси нам сочиқ билан артилади. Сочикни кирланишига қараб уни ювиб сувини сиқиб артиш давом эттирилади. Итларнинг кўзи ва кўлоқларини тоза мато ёки пахтали тампон билан артилади. Танасининг юмшоқ терилари кўлоғининг орқаси, тос оралиқларини тозалаш учун юмшоқ силлиқ қашлагичлардан фойдаланилади. Териси нозик бўлгани учун уларни жароҳатланишига йўл қўймасдан ойига бир ёки икки марта тозаланади. Тез кўзғалувчи (жаҳлдор) итларни тозалашга аста секин ўргатилади. Итларни ишлатгандан кейин тезда ёки овқат еяётган пайтда тозалаш мумкин эмас. Итлар чўмилтирилгандан кейин бўйнидан боғлаб то танаси қуриганча яйратилади. Жуни кам ўсган итларни териси тароқ ва қашлагичлар билан тозаланиб турилади. Уларни тирноқлари ўсиб кетган бўлса юришига ҳалақит бермаслиги учун тирноқлари олинади ёки эгов билан текисланади. Кўпчилик ит зотларининг кўлоқлари ва думларига шакл берилади. Бу жараён ветеринария мутахассислари томонидан ветеринария даволаш пунктларида амалга оширилади. Пудель зотли итларнинг жуни олинади, соғлом бошқа зотли итларни жунини қирқиш тавсия этилмайди. Фокстер зотли итларнинг жуни қаттиқ бўлгани учун юлиб олинади. Бир йилда жуннинг ўсишига қараб 3-4 марта итлар жуни олинади.

Хизмат сафаридаги итлар ўзларига беркитилган одамлар билан сақланади. Дала шароитларида улар учун чайлалар, енгил типдаги соябонлар ўрнатилади. Иссиқ пайтлари итларни дарахт соясига, куёш нурларидан пана жойларга жойлаштириб, куёш нурларининг тўғридан тўғри тушиши, шамол

ёки ёмғирдан сақланади. Совуқдан сақлаш учун уларнинг танасига попонлар кизгизилиб остига тўшамалар тўшалади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; С.Н. Хохрин, 2001).

Шаҳар жойларида итларни кўчаларда боғловсиз колдириш, улар билан бирга савдо дўконларига, ошхоналарга, медицина корхоналарига ва бошқа иш жойларига кириши таъқиқланади. Уларни одамлар яшайдиган жойларга олиб чиқиш учун калта боғлаб, бурундик кийгизилади. Ит эгасининг ёнида унинг тезагини олиш учун хокандоз ва халтача бўлиши керак.

Итлар темир, автомобил, хаво ва сув йўллари орқали ташилади. Бунинг учун итлар ветеринария даволаш муассасаларида текширилади. Итнинг эгасида итнинг паспорти ва ветеринария гувоҳномаси бўлиб, унда итнинг соғломлиги, турли юкумли касалликларга қарши эмланганлиги кўрсатилган бўлади. Касал итларни ташиш мумкин эмас. Шаҳар транспортларида итларни олиб юриш таъқиқланади. Узоқ йўлларга ташилганда 12 соатдан кейин махсус ажратилган жойларда озиклантириш амалга оширилиб, автоуловларда ташишдан 3 соат олдин итлар озиклантирилиб, жўнатишдан 1-1,5 соат олдин яйратилади. Узоқ масофагаташилгандан кейин итларга узоқ муддатли дам берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итларни ташишдан 6 соат олдин озиклантирилади ва яйратилади. Йўл давомида ҳар хил стрессларни олдини олиш мақсадида уларга таниш бўлган ўйинчоқлар берилади. Улар профлатик кўрикдаи ўтказилиб эмланади. Чет элга кетадиган итлар учун ҳужжатлар тайерланиб ветеринария врачининг маълумотномаси, кутириш касаллигига қарши эмланганлиги кўрсатилиши керак.

Итларни иўйимлилик моддаларга бўлган талаб, наслий, жинсий,ёшига ва бошқа фарқларига қараб аниқланиб, тирик вазни (итнинг ката-кичиклиги) мускул фаолияти, зоти, физиологик ҳолати, сақлаш

шароитига қараб белгиланади. Итларнинг энергияга бўлган талаби асосан гавдасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Қуруқ, мускулли итлар ҳаётий жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузғаладиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2 баробар, хизматчи итларда -30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кг тирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кдж, 3-5 ойликда 710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Оқсилга бўлган талаб катта ёшдагиларда 1 кг тирик вазнига 4,5 г, ёш итларники 9г. Бу талаб наслли итларда эркакларида - 30 % га бўғоз итларда - 20 - 50 % қайси даврда туғишига қараб, сут эмизадиганларда сут беришнинг бошланғич 2 ҳафтасида 50 % га, 3-5 ҳафтасида -70 %, хизматчи итларда - 50 % ошади тинч турган итларга нисбатдан. Ёнга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига ката ёшдагиларда ўртача 1,3 г, ёш итларга 2,6 г. Наслли итларда 10-15 %, хизматчи итларда 15 % га ошади. Енгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда 10г, ёш итларга 15,8 г. Наслли ва хизматчи итларда 10-15 % ошади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Клетчаткага бўлган талаб катта ёшдагиларда ўртача 1 г, ёш итларга 1,5 г 1 кг тирик вазнига туғри келади.

Эркак итларни физиологик ҳолатига тинч туриш (яъни фойдаланмайдиган давр) қочиришга тайёрлаш ва қочиш даврига қараб озиклантирилади. Итларнинг озиклантириш хусусияти уруғнинг миқдори ва

сифати билан белгиланади. Итлар ҳар бир қўшилганда уртача 10 мл (40 мл гача) уруғ беради. Уруғининг сифатига рационнинг тўлиқ қийматлилиги ва калориялиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни қатъий норма асосида озиқлантириш зарур.

Эркак итлар рацион структураси қуйидагича бўлиши зарур: талаб қилинадиган энергияга нисбатан гўшт - 50 %, крупа - 40 %, сабзавот 10 % Эркак итлар қочиришга 1,0-1,5 ой олдин тайёрланади. Бу даврда рационда ҳайвонот маҳсулоти 70 % дан кам бўлмаслиги керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Қўшилиш даврида I дона тухум бир кунда ёки кунаро хом жигар, балиқ ёғи, ачитки, глицерофосфат ва кунда ёки кунаро 1-2 томчи витамин препаратларини бериш фойдали. Эркак итлардан фойдаланмаган даврда 2 марта, қочириш даврида 3 марта озиқлантирилади. Озуқа маҳсулоти қуюқ сут ёки сугоқ каша сифатида берилади. Озуқалар 2-3 соатдан кейин берилади. Бериладиган озиқа иссиқроқ (+350 - 800С) ҳолда берилиши зарур.

Итларнинг бўғозлик муддати ўртача 62-63 кунни ташкил этади (58-65 кун) итлардан ўртача 3-6 та бола олиш мумкин. Она қорнида ривожланаётган боланинг яхши ривожланиши тўлиққийматли озуқалар билан меъёр асосида озиқлатиришга боғлиқ. Рационнинг тенглаштирилмагани, энергетик тўйимлилиكنинг пастлиги, оксил, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги эмбрионнинг ўлимига ва нимжон бола туғилишига сабабчи бўлади. Бўғоз итлар рационни ёғсиз гўшт, суп маҳсулотлар (ичак, қорин ва ҳокозолар), сутли озуқалар, ҳар хил крупалар, сабзавот, ҳайвон ёғи, минерал моддалардан ва витаминлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Янги туғилган ёш итларда рахитнинг олдини олиш учун суяк уни ва минерал қўшимчалар ўрнига, махсус қўшимчалар, глицерофосфат кальций (40 дона таблетка), лактаткальций (40 таблетка), озиқавий бўр (20 г), фитин (10 таблетка), фаол кумир (10 таблетка) майдаланиб аралашмадан ярим чой қошиқдан берилади. (Б.С.Салимов ва

бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бўғоз итларни бўғозликнинг 3 ҳафтасидан 3 марта, 7 ҳафталигида 4 мартадан озиклантирилади. Бу даврда асосий озуқа гўштли суп, крупа ва сабзавот аралашмаси бўлиши зарур. Суп 2 марта эрталаб ва кечқурун берилади. Унга минерал ва витаминли қўшимчалар қўшилади. 3-4 озиклантиришда сут, нон билан ёки пиширилган гўшт берилади. Озуқа доимо бир вақтда берилиши зарур.

Итларнинг сут бериш даври 4-6 ҳафта давом этади. Сут бериш ҳар хил даврда ҳар хил бўлади. 20-25 кунгача сут безларининг сут ажратиши жадал бўлади, кейин эса камая бошлайди. Сутда 7 % оқсил, 8 % ёғ, ва 4 % лактоза бўлади. Сут таркиби озуқа билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун эмизадиган итларнинг талаби тинч ҳолатдагига нисбатан юқори бўлади. Туйимлилик моддалар ва энергиянинг камлиги рационда сутдорлик ва сут таркибига салбий таъсир кўрсатади. Тўққандан кейин 6 соат давомида озуқа берилмайди, лекин доимо олдида тоза сув бўлиши зарур. Кейин 2 кунда озуқани кўп бермасдан бир меъёردа бир кунда 5-6 марта берилади. Бу даврда энг яхши озуқа гўштли бульон, гуручли, кашали ёки крупали суюқ суп ҳисобланади. Кам миқдорда сутга ивитилган оқ нон берилиши мумкин. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Тўққандан 4 кун ўтгач қўйидаги структура бўйича рацион тузилади: Гўшт (ёғи кам 2 категория) - 45 %, крупа- 35 %, нон 10 %, сут 5 %, картошка ва сабзавот 5 %. Рационга суяк уни, бўр, балиқ уни, сабзавот, кўкат ва витамин препаратлари ҳам қўшилиши мумкин. Тукқан ит 1 кунда 3 марта озиклантирилади. Озиканинг ҳарорати +300 - 350С бўлиши керак. Агарда витамин С етишмаслиги намоён бўлса 1 кунда 1 марта аскарбин кислотаси берилади.

Ёш итнинг ўсиш ва ривожланиши сут эмишнинг охириги давригача аиникса 2 ҳафталикгача озиклантиришга боғлиқ. 2 ҳафталикгача асосий озуқа онасининг сути ҳисобланади. Биринчи ҳафтасида 1 кунда 12 марта, 2 -

чи ҳафтада 8 марта онасидан ажратишда 4-5 марта эмади. Она сути кам бўлса 1 ҳафталик ёшидан қўшимча озиқлантирилади. Сигир сути 27-30 г киздирилиб, 0,5 л сутга 1 та хом тухум аралаштирилиб берилади. 2 ҳафталикдан бошлаб янги хом гўшт фарш ҳолатида 15-20 г берилиб, кейин кўпайтирилиб берилади. 3 ҳафталигида 40-50 г гўшт, 4 ҳафталигида 100 г гўшт онасини эмгандан сўнг берилади. 3 ҳафталигидан бошлаб омухта озуқа (гўшт, сут, каша) суюқ ҳолида берилади. Каша аввало 30-50 г, аста секин 200-250 г га етказилади. Озуқа бир кунда 3-4 марта берилади. Шу ёшдан бошлаб сув берилади. 4 ҳафталигидан гўштли бульон ёки суп, майда кесилган пиширилган гўшт, оқ нон, творог, сабзавот ва кўкат берилади. Ёш кучукларни онасидан ажратиш 5 кун мобайнида 6-7 ҳафталигида амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан кейин қатъий меъёр асосида озиқлантирилади.

Ёш итлар фақатгина янги тайёрланган озукалар билан озиқлантирилади. Ёш итлар 2 ойликгача 6 марта, 2 - 4 ойликгача 5 марта, 4 - 5 ойликгача 4 марта, 5 - 6 ойликда 1 кунда 4 - 3 марта озиқлантирилади. 7 ойликдан бошлаб катта итлар рационига ўтказилиб бир кунда 2 марта озиқлантирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Хизматдаги итлар бирор бир ишни бажариш учун хизмат қилмайдиган итларга нисбатан қўшимча тўйимлик моддалар талаб қилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар стурктураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Итларни озиклантиришда ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган озуқалардан фойдаланилади.

Итларга бир кунда бериладиган асосий озуқалар меъёри.

- жадвал

Озиқавий маҳсулотлар ва қўшимчалар	Катта ёшдаги итлар	Ёш кучуклар			
		1-ойлик гача	1-3ойлик гача	3-6 ойгача	6-ойдан катта
Гўшт ва ичак	100-400	30-50	60-150	160-150	350
Қорин	300	50-150	200	200-300	100
Сут	1000	10-20	400	60-100	200
Творог	200-500	30-50	30-50	120-150	2000
Куруппа	200-400	20-30	60-100	70-100	150
Нон	200-300	20-30	30-50	100-120	150
Картошка	100-200	20-30	40-100	80-100	100
Забзавотлар	80-100	1-3	40-70	4-6	10
Ҳайвонлар ёғи	20-25	-	3-4	25-40	50
Гўшт-суяк уни	50-100	2-4	10-20	10-13	15
Суюк уни	10-15	0,5	5-10	3-5	8
Балиқ ёғи	10-15	0,5-1,0	1-3	2-4	6
Ачитқи	5-10	Кунаро	1-2	-	-
Товуқ тухуми	-	0,5	Кунаро	5-8	10
Ош тузи	10-15	-	3-5	-	-

Ҳайвонлардан олинадиган озуқалардан ёғсиз гўшт (от, қорамол, қўй, чўчка, ёввойи ҳайвонла. парранда, кемирувчи, денгиз ҳайвонлари, ит,

корамол ва бошқа турдаги ҳайвонлар эмбрионлари). Жигар, буйрак, ўпка, юрак, мия, тил, талоқ, корин, диафрагма, кекирдak, елин, оёқ, дум, лаб, ҳайвонлар қулоғи, хом ёки пишириб берилади.

Бундан ташқари итларга суяк, ҳайвонлар қони, гўшт ва суяк уни берилади. Катта ёшдаги итлар рационда гўштнинг салмоғи 25-30 % дан кам бўлмаслиги керак. 2 даражали маҳсулотлар ўпка, корин ва ҳокозолар 30 %дан ошмаслиги керак. Итларга сут (сигир, эчки, қўй, бия сутлари), сут маҳсулотлари (творог, қатиқ, пишлок, сметана, сариёғ), сут қолдиклари (обрат, зардоб) тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотлари катта ёшдаги итлар рационда талаб қилинадиган энергияга нисбатан 3-5 % ташкил қилади.

Итларга балиқ, балиқ қолдиқлари, балиқ ёғи, тухум, ҳайвонлар ёғи берилади. Булар рационда 3 % атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардан олинадиган озуқалардан бошоқлилар уни, нон, крупа, сабзавотлар, илдиз меваиликлар берилади. Уларнинг салмоғи 60-70 % ни ташкил этади. Қўшимча озуқалардан ачитки, витамин препаратлари, суяк уни, нордон фосфотли калций, глицерофосфат, бўр, тухум қобиғи, ош тузи, микроэлемент тузлари берилиши зарур.

Хизмат турларининг қўп қирралиги (қоровуллик, соқчилик, қидирув, санитар ва бошқ.) итлардан саломатлик ва муносиб тайёргарликни талаб этади. Бундан ташқари, ит ўргатувчиси берган оғзаки буйруқлар ва ўргатиш усуллариининг тўғри тузилиши, тип хусусиятларининг аҳамиятлари ва бошқаларга қаттиқ риоя қилиш лозим. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Ит ўргатувчилар томонидан йўл қўйиладиган хато ва нуқсонлар нафақат ўргатилаётган итларнинг хизмат кўрсатиш сифатини пасайтиради, балки уни бутунлай издан чиқариши ҳам мумкин.

Амалиётда ўргатувчи томонидан тез-тез йўл қўйиладиган нуқсонлар:

1. Ит ўргатувчининг “ўтир!” деган буйруғини ит бажаришдан бош тортиши мумкин қачонки, шартли қўзғатувчи (овоз билан бериладиган

буйруқ, тест) га нисбатан шартсиз қўзғатувчи, яъни ўтириш вақтида итнинг белидан қўл билан пастга босиш ҳаракати олдинроқ юз берса ва шу кабилар.

2. Ўргатилаётган итларда у ёки бу усулни кўп маротаба ва узлуксиз такрорлаш.

3. Агарда итга бажариш мумкин бўлмаган талаблар қўйилса, ҳайвон иш жараёнидан бутунлай бош тортади.

4. Мажбурий ва тақиқловчи талабларни нотўғри қўлланганда итлар сусткаш ва камҳаракат бўлиб қолади.

5. Итларнинг тип хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, ит ўргатувчиси ҳайвонни мажбурлаш ва тақиқлаш жараёнида ит тизгинидан кучли тортиш, силташ ва бошқа қўзғатувчиларни қўллаши натижасида жониворда қўрқоқлик ҳисси ўйғонади ёки у иш жараёнидан бутунлай бош тортади.

6. Овоз ва кўриш қўзғатувчилари (овоз чиқариб ва қўл билан кўрсатиб бериладиган буйруқлар)нинг бир хиллиги бузилганлиги ва буйруқ бериш жараёни аниқ ижро этилмаганлиги ҳайвон томонидан буйруқнинг бажарилмаслигига олиб келинади.

7. Итнинг жисмоний имкониятлари ва саломатлигини ҳисобга олмаган ҳолда, жонивор мажбурланганда ва ёки унга нисбатан дағал муносабатда бўлинганда ҳайвон буйруқни бажаришдан бутунлай бош тортади.

8. Буйруқларнинг аниқ ижро этилмаслиги ёки уларни маънодош ва ҳамоҳанг сўзларга алмаштириш натижасида.

9. Итга нисбатан ғамхўр ва эътиборли бўлмаслик оқибатида ит ўргатувчиси жониворнинг панжаларини ноҳосдан босиб олса ёки машқ жараёнида усулларни бажариш вақтида ит тасмаси билан ҳайвоннинг бошига урса, унга кучли оғриқ етказиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳайвонда қўрқоқлик ёки ит ўргатувчисига нисбатан ишончсизлик ҳиссини уйғотади, яъни итни тўғри ўргатишга салбий таъсир этадиган ноўрин ҳаракатларнинг вужудга келишини чақиради.

10. Ит ҳали буйруқни бажармасидан туриб, уни рағбатлантириш мутлақо мумкин эмас! Масалан, “ёт!” деган буйруқ берилса-ю, аммо ит ўтирса, ит ўргатувчи ҳайвонга бирон-бир ширинлик ҳадя этмаслиги лозим. Агарда бу пайтда итга ширинлик берилса, у ҳолда бундай ҳаракат итда “ёт!” буйруғига нисбатан шартли рефлекснинг нотўғри шаклланишига олиб келади. Итдан берилган буйруққа нисбатан усулни бажаришни дўқ урган ҳолда қайта буйруқ бериб мустаҳкамлаб бориш лозим бўлади. Агар ит уни бажармаса, ит ўргатувчиси бевосита бошқа бир усулни қўллаши, яъни итнинг яғринидан пастга босган ҳолда, жониворни талаб этилган буйруқни ижро этишга мажбур этиш керак.

11. Аниқ, ишлаб чиқилган буйруқларни бошқа бир ўйлаб топилган буйруқларга алмаштирмаслик, масалан “ёт!” деган буйруқ ўрнига “узала туш!” ёки “ёнимга!” деган буйруқ ўрнига “бу ёққа кел!” буйруқларини қўллаш тавсия этилмайди. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Итларни ўргатиш жараёнида тажрибасиз ўргатувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатолар услубий ёки техник турларга ажратилади.

Услубий хатолар:

а) итларни ўргатиш системасини ёки алоҳида усулларини нотўғри тузиш;

б) у ёки бу усуллар талабини ит томонидан бажармаслик сабабларини тўғри таҳлил қилмаслик ва уларни бартараф этиш учун муҳим қарор қабул қилинмаслиги;

в) итларнинг олий нерв фаолияти тип хусусиятларини билмаслик ва бундан келиб чиққан ҳолда, унинг ёқимсиз ҳаракатларини ўз вақтида бартараф этишни эплай олмаслик. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Ит ўргатувчисининг нотўғри хатти-ҳаракатлари итда ёқимсиз муносабатларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкин. Масалан, ит бирон-бир молни тўдага қўшиш учун ҳайдаб бораётган бир пайтда анча

кучлироқ бўлган кўзгатувчи, яъни буталар орасидан отилиб чиққан товушқон изидан қувлаб кетиши. Ит ўргатувчиси “фу!” буйруғини берар экан, бир вақтнинг ўзида “ёнимга!” деган буйруқни ҳам беҳосдан айтиб юборади. Ит ўргатувчининг олдига чопиб келади ва у жониворни рағбатлантиради. Бу пайтда тақиқловчи буйруқ “фу!” гўёки “ёнимга!” деган буйруқ билан уйғунлашиб кетгандай туюлади. Худди шу жуфтликда мазкур буйруқлар бир неча маротаба такрорланса, “фу!” буйруғи жонивор учун “ёнимга!” буйруғининг аҳамиятини касб этади ва бунинг натижасида тақиқловчи “фу!” буйруғи берилганда ит ўз хўжайини олдига югуриб келадиган бўлиб қолади. Ҳайвон у ёки бу буйруқни икки маротаба бажарганидан кейин учинчи марта айнан шу буйруқни бажаришдан бош тортиши каби ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

д) итларда ноўрин хатти-ҳаракатларни бартараф этишда уларни ҳаддан ташқари кучли силташ ҳамда “фу!” буйруғини ортиғидан кўпроқ қўллаш итларнинг чўчиб қолишига олиб келади.

Оғриқли кўзгатувчи билан уйғунлашмаган “фу!” буйруғи ҳайвонда шартли тормозланишнинг сўнишини вужудга келтиради. “Фу!” буйруғини ҳаддан зиёд кўп ишлатиш итларда реакциянинг сусайишига олиб келади. Бу буйруқ оғриқли кўзгатувчи билан ҳамоҳанг қўлланган ҳолда ва зарурат туғилган пайтлардагина қўлланиши мумкин.

е) итда “ёнимда” буйруғига нисбатан шартли рефлексни шакллантиришда жониворни узун арқонда етаклаб юриш тавсия этилмайди, чунки бу ҳол итда фақатгина узун арқонда юриш шартли рефлексини ҳосил бўлишига олиб келади. Биргаликда ёнма-ён ҳаракат қилинганда, итнинг панжаларини ноҳосдан босиб олиш ҳайвонда оғриққа шартли алоқадорликнинг ҳосил бўлишини ва кейинчалик “ёнимда” деган буйруқ унда оғриқ ҳосил бўлишини кутишига ва ўргатувчининг ёнида юришга ҳадиксирашига олиб келади.

ж) “Эркин!” буйруғига нисбатан усулларни ишлаб чиқишда ит ўргатувчиси секинлик ва сусткашлик билан ҳаракат қилса, бу ҳам ўз

навбатида ҳайвонда сусткашликни уйғотиб, унинг ўзини тутиши ва буйруқларни ижро этишида ўз аксини топмасдан қолмайди. Буйруқнинг аниқ ижро этилмаслиги эса, ҳайвонда шартли рефлексларнинг жадаллик билан шаклланишига тўсқинлик қилади ва шунингдек, ундаги интизомнинг пасайишига олиб келади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Итларни ўргатиш деганда, ҳайвондан у ёки бу хизмат турларида фойдаланишни таъминлайдиган турли хилдаги ва мураккаб усулларни буйруқ ёки имо-ишора орқали бажаришни ўргатиш жараёни тушунилади. Ўргатиш босқичи назария ва ўргатиш техникасига бўлинади.

Ўргатиш назарияси олий нерв системаси қонуниятлари асосида итларни ўргатиш қоидаларини тадқиқ этади ва уларни илмий жиҳатдан асослайди.

Ўргатиш техникаси эса усулларнинг тўғри ташкил этилиши бўйича услубий ва техник тавсифдаги масалаларни кўриб чиқади. У асосан учта муҳим қисмларга ажратилади:

1. Умумий ўргатиш (умуминтизомий давр);
2. Махсус ўргатиш;
3. Хизмат итларини ўргатиш.

У ёки бу вазифалар юклатилаётган махсус хизмат итлари белгиланган топшириқларга тўлиқ мос келишлари учун, биринчи навбатда ҳайвонларни итоаткор бўлишга ва интизомга одатлантириш лозим бўлади. Бунга умумий ўргатиш, яъни ит томонидан умумий интизомий усулларни ўзлаштирилиши орқали эришилади.

Махсус ўргатиш итларнинг у ёки бу хизмат турлари, масалан қоровуллик, қўриқчилик, қидирув хизматларида қўйиладиган талабларни бажариш бўйича амалга ошириладиган усулларни ҳайвонларга ўргатиш мақсадини кўзда тутаяди. Аммо итга фақатгина умумий қулоқ тутиш ва махсус усулларни ўргатиш етарли бўлмайди балки бу кўникмалар итда сақланиб қолиниши ҳам лозим. Бунга эса доимий равишда машқ қилдириш

орқалигина эришилади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Итларни ўргатишга киришишдан олдин ит ўргатувчиси ҳайвон қандай мақсадда ўргатилиши, қайси вазифага тайинланаётганлиги ҳамда қайси хизмат турига тайёрланаётганлигини билиши керак. У умумий ўргатишдан ташқари у ёки бу турдаги махсус хизматнинг асосий қоидалари ва ўргатиш услубларини билиши шарт. Бундан ташқари, ўргатувчи доимий равишда итнинг ҳатти-ҳаракатлари ва одатларини синчковлик билан кузатиб бориши лозим. Чунки ит томонидан содир этилаётган ноўрин ҳатти-ҳаракатлар ҳайвонни ўргатишда ҳалакит бериши мумкин. Бу каби ҳатти-ҳаракатларни ўз вақтида тузатиш учун шошилиш равишда чора кўриш талаб этилади.

Шунинг билан биргаликда ит ўргатувчиси ўз ҳаракатларини ҳам қатъий равишда кузатиб бориши лозим. Кўпинча тажрибасизлик оқибатида итнинг кейинги фаолияти учун кераксиз ва зарарли бўлган қўникмаларни ўргатувчи ўзи сезмаган ҳолда ҳайвонга сингдириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда итларни ўргатиш давомида ҳайвонларнинг у ёки бу сифатларини ҳисобга олиб, белгиланган мақсадларда улардан максимал фойдаланиш, ривожлантириш, мустаҳкамлаб бориш зарур.

Итларни ўтиришга ўргатиш уларни махсус тайёрлаш мақсадида ишлатиладиган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади.

“Ўтир” деган буйруқ ит ўргатувчисининг ёнида ёки ундан ҳар хил узоқликда бўлганда ҳам бажарилиши мумкин. Узоқроқ масофада бўлганда “ўтир” деган буйруқ ўнг қўлнинг ҳаракати билан бажарилади. Қўл билан ҳаракат қилиб итни ўтиришга ўргатиш, овоз билан буйруқ беришнинг иложи бўлмаганда амалга оширилади, масалан: ҳарбий машқ пайтида, шамол ёки ёмғир ёққан пайтда.

Шартли кўзгатувчи: “Ўтир” буйруғи берилади ҳамда ўнг қўл пастдан юқорига ва олдинга, елкадан биров юқориноқ кўтарилади, бунда кафт юзаси ит томонига қаратилади.

Шартсиз кўзғатувчи: бўйин тасмасини юқорига силташ сўнгра итнинг бел ва думғаза қисмига қўл билан босиш, ширинлик бериш.

“Ўтир” буйруғини бажариш ўргатишнинг 5-6 кунидан бошлаб бажариш керак.

Ўтиришга ўргатиш асосан контраст усули ёрдамида бажарилади, айрим пайтларда ширинлик билан сийлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. “Ўтир” буйруғига бирламчи шартли рефлексни ишлаб чиқиш машғулоти осонлаштирилган шароитда ўтказилади. Контраст (карама-қарши) усулда у куйидагича бажарилади. Ўргатувчи чап оёғи олдида турган итга бурилиб, ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани ушлайди, чап қўлининг кафтини эса итнинг бел-сағрин қисмига қўйиб босишга тайёр туради. Шундан сўнг “ўтир” деган буйруқни бериб тасмани юқорига ва орқага тортади ҳамда итнинг бел-сағри қисмига босади. Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “ўтир”, “яхши” деган буйруқни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, силаб ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатга рухсат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Агарда ит “ўтир” деган буйруққа асосан ўтириб, шу ҳолатда 10-15 сония қолса ва ўргатувчи ундан икки қадам узоқлашганда жойидан силжимаса, бирламчи шартли рефлекс ўзлаштирилган деб ҳисобланади.

Шундан сўнг қўл ҳаракати билан имо-ишора шартли рефлекси ишлаб чиқилади ва шу билан биргаликда буйруқ ва имо-ишора шартли рефлекси беркитилиши такомиллаштирилади.

Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқиш машки итни ётқизиш билан параллел олиб борилади. Ит ётган ҳолатда жойлашган бўлади. Ўргатувчи ит бўйинбоғининг ҳалқасини пастга қаратиб итнинг олдинги тарафидан икки қадам нарида туради, сўнг тасмани чап қўлга олиб секин тортади. Кейин ўнг қўлини пастдан юқорига ҳаракатлантириб тасмага уради ва шу пайт “ўтир” деган буйруқни беради. Ўнг қўлнинг ҳаракати

Ўргатувчининг боши билан баравар баландликда тўхтатилади. Бир дақиқа ушланиб қўл тирсакда букилади, пастга тушурилади ва кафт ўзига тортилади. Ўргатувчи ўнг қўлни тушириб олдинга бир кадам қўйиб ширинликни беради ва “яхши” деган сўзни айтади. Ит бир неча вақт ўтирган ҳолатда ушланиб, сўнгра сайр қилинади.

Ит ётган ҳолатидан ўтириш ҳолатига ўтишига тўғри эришмоқ зарур. Агар ит орқа оёқларини силжитмасдан ўтириб, олдинги оёқларини тагига тортса, итнинг ҳаракати тўғри деб ҳисобланади.

Имо-ишора шартли рефлекси ишлаб чиқилгандан кейин, машқлар сифати мураккаблаштирилади:

- Итни ўтирган ҳолатда сақлаш вақти узайтиририлади;
- Ўргатувчи ва ит орасидаги масофа узоқлаштирилади;
- Итни ҳар хил ҳолатдан ўтиришга мажбур қилинади, яъни бу усулнинг бажарилиши бошқа усуллар билан биргаликда олиб борилади.

Ўргатувчи итда сабр-тоқатни тарбиялаш учун уни имо-ишора ёки буйруқ билан ўтиртириб, аста-секинлик билан узоқлашади ва ит жойидан қимирламаслиги учун унга “ўтир”, “яхши”, деган буйруқларни бериб туради. Агарда ит жойидан қимирласа, ўргатувчи “ўтир” деган буйруқни дўқ оҳангида бериб уни яна олдинги жойига ўтқазади. Ўргатишнинг бошланиш даврида итнинг 15-20 сония сабр-тоқат қилиши етарли бўлади, шундан сўнг итга ширинлик бериб ҳаракатини тақдирлаб бошқа машқга ўтиш лозим (ётқизиш, апортировка, буюмни олиб келиш). (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Сабр-тоқатликни тарбиялаш билан бир вақтда ўргатувчи ит билан орасидаги масофани узоқлаштириши керак. Бошида ўргатувчи итни кузатиб туриш учун ундан тисарилиб узоқлашиши лозим (юзи итга қаратилган ҳолда). Агарда ит жойидан қимирласа, уни дархол жойига қайтариб “жойинг” деган буйруқни дўқ оҳангида бериб яна ўтқизиш керак. Кейинчалик итдан узоқлашиш масофасини ўзгартириш лозим. Яъни ит

ўргатувчининг ёнида ёки узоқ масофада бўлганда ҳам имо-ишора, буйрук билан уни ётган ёки турган ҳолатида ўтқизиш лозим.

Ўтқизиш машқи ит эркин сайр қилганда, ўргатувчининг ёнида турганда, ёки у чақирганда ва бошқа ҳолатларда бажарилади. Машқларнинг охириги даврида ит “ўтир” буйруғини ёки ишорани ҳар қандай вазиятда, бўйин товламасдан бажариши лозим. Кейинчалик ит ўтириш буйруғини махсус дрессировка (ўргатиш) пайтида, беками-куст ва бўйин товламасдан бажаришини таъминлаш лозим. Агар ит ҳар хил шароитда бўйин товламасдан бирламчи сигналдан ўтирса ёки ўргатувчидан 25-30 м масофада бўлганда ҳам буни бажарса ва шу ҳолатда 5 дақиқа турса, кўникма ҳосил бўлган деб ҳисобланади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Ўргатиш жараёнида мумкин бўлган қониқарсиз ҳолатлар:

1. Шартсиз қитиқловчини ишлатмасдан кўп марта “ўтир” буйруғини такрорлаш, чунки бунинг натижасида итда шартли рефлекс кеч ҳосил бўлади.

2. Итни ўтирган ҳолатдан тез-тез чақириб туриш, шу ҳолатда кераклича ушлаб турмасдан эркинлик бериш натижасида ит кейинчалик жойидан рухсатсиз силжийдиган бўлади.

3. Чап қўл билан бел қисмига нотўғри босиш. Бундай ҳолатда ит бирданига ўтирмайди ва қаршилиқ кўрсатади.

4. Итга нисбатан талабчан бўлмаслик, ўргатувчи ит сағрисини бирор бир тарафга оғишини ёки орқа оёғини олдинга ўтқазишини тўғриламасли

2.3.2.Итларда жинсий аъзо ўсмаларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.

Ўсмаларни бир ҳайвондан иккинчисига юктириш мумкинлиги И.А. Новинский (1876) томонидан биринчи марта аниқланди. Бу ўсмаларнинг келиб чиқиши вирусларга боғлиқ эканлигини таъкидлаган. Лекин ўсмаларнинг келиб чиқишига бошқа - физикавий, кимёвий ва гормонал

назариялари ўз аҳамиятини йўқотганлар ва ҳозирги пайтда улар канцероген назариясининг асосини ташқил қиладилар.

Охирги йиллар бу соҳада илмий текшириш институтларида катта аҳамиятга эга бўлган илмий текширишлар олиб борилмоқда. Айниқса рақ генетикаси ва онкоген вируслар соҳасида йиллар давомида ўсмалар вирус табиатли эканлиги муҳокама қилиниб келинмоқда. Лекин бу масалада бир фикрга келинмаган. Чунки одамлардаги кўп ўсмаларнинг келиб чиқиши сабаби вирус эканлиги аниқланган. Лекин бу масалага ҳам айрим аниқликлар киритиш лозим.

Ҳозирги пайтда онкологларнинг кўпчилиги ўсмаларнинг келиб чиқишида атроф муҳит таъсири катта аҳамиятга эга деб фикр юритадилар. Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда кўрсатилишича ўсмалар ҳосил бўлишига канцерогенез, яъни кимевий, физикавий нурланиш омилларнинг таъсири жуда катта аҳамиятга эга. Ташқи муҳитдаги канцероген моддаларнинг таъсиридан айрим ўсмаларнинг келиб чиқиши аниқланди. Экзоген канцерогенлардан ташқари канцероген гормон, оксиллар таъсирида ҳам ўсмалар келиб чиқиши аниқланган. Шундай қилиб ўсмаларнинг келиб чиқишида кўп таъсиротли омиллар катта роль ўйнайди деган хулосага келиш мумкин. Канцероген моддаларни организмга ўзоқ вақт таъсиридан кўп ўсмаларнинг ўсиши аниқланган. Эпизоологик ва экспериментал маълумотлар асосида рақни урганиш буйича Халқаро Агентлиги томонидан 1982 йилда канцероген омилларнинг қуйидаги руйхати тақлиф қилинган.

Яъни уларга- маргимуш ва унинг бирикмалари; - асбест;- бензол;- бензпирен;- хром ва унинг баъзи бир бирикмалари;- диетилстиль бестрол; - сарколизин;- қорақуя, қатрон, минерал ёғлар;- винилхлорид;- хлорамбутсил; - циклофосфамид;-кимевий даволаш учун препаратлар (прокарбазин, винкристин ва преднизолон);- эстрогенларнинг қондаги моддалар билан бирикмалари;- тери, резина ва паяфзал саноати;- ёғочсозлик ва мебел саноатлари.

Бу руйхат жуда зарур, чунки янги онкологик ва экспериментал изланишлар натижалари асосида янги канцероген моддалар рўйхати киритилиши мумкин. Жадвалда фақат ҳайвонларда яхшилаб текширилган кимёвий канцероген моддалар киритилган. Дунёда 5 млн га якин кимёвий модда бўлиб, улардан атиги 8 мингга яқинининг канцероген фаоллиги ўрганилган. Кимё саноати ва янги бирикмалар синтези ривожлангани сари кимёвий канцероген моддалар рўйхати кенгайиши кутилмоқда. Физикавий омилларга турли хилдаги ионловчи нурлар (рентген ва гамма нурлари, атомнинг элементар заррачалари, нейтронлар альфа ва бета заррачалари) куёшнинг ультрабинафша нурлари шунингдек, тўқималарнинг механик ва термик жароҳатлари киради. Рентген нурларнинг канцерогенлик хусусияти 1902 йилда ҳимоя қўлқописиз ишлаган рентгенологнинг кафтида тери раки пайдо бўлиши билан тасдикланади. Кейинчалик матбуотда суяк силига интенсив рентген нурлари билан даво қилингандан сўнг ва радио мезаторий ва торатраст моддалар ичишга буюрилгандан кейин ҳосил бўлган суяк саркомаси тўғрисидаги маълумот чоп этилди. Радиоактив моддаларга бой бўлган рудаларни қазувчи баъзи шахтёрларда ўпка раки ривожланган.

Биологик омиллар ҳам ўсмалар пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга. 1910 йилда П.Раус ўсма филтратини инъекция қилиш йул билан касалланган товукдан соғлом товукқа саркомани ўтказа олди. Кейинчалик ҳайвонлар (товук, куён, сичкон, ит ва хоказолар) саркомани қўзғатувчи бўлиб, оддий ёруғлик микроскопида кўринмайдиган вируслар эканлиги фанда аниқланди.

Ҳозирги кунда саратоннинг вирус назарияси ўсмалар этиологиясининг энг ривожланган аспектидир. Вируслар табиатда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам канцерогенлик хусусиятига эга емас. Ўсма чақирувчи вируслар шартли равишда 2 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ РНК (рибонуклеин кислота) ли вируслар. Булар хавфли ўсмаларнинг табиий қўзғатувчиларидир. Уларга хужайра билан алоқа қилиш учун махсус шароит керак емас. 2-гуруҳ ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) ли вируслар. Улар нормал хужайрани ўсма хужайрага фақат лаборатория шароитида ва уларнинг табиий

ташувчилари (эгалари) бўлмаган ҳайвонларда айлантира олади. Вируснинг канцероген таъсири бу нормал хужайрага кириб ўзининг генетик материални хужайра ядроси ичидаги ДНК билан бириктириш ва унга хужайинлик қилишдир.

Эндоген омиллар уларни ирсий ва ирсий бўлмаган гуруҳларга ажратиш мумкин. 1. Ирсий омиллар: а) Саратон ҳосил килувчи геннинг наслдан-наслга ўтиши (ретинобластома, нефробластома, нейробластома); б) Саратонга мойилликни оширувчи геннинг наслдан-наслга ўтиш (пигментли ксеродермия, ичакнинг оилавий полизи, иммунитет танқислиги, сут беши, тухумдон, ўпка, меъда, ўткир лейкомия ва меланома саратонларга мойиллик). 2. Ирсий бўлмаган омиллар: а) Кимёвий канцерогенларнинг эндоген синтезланиши. Юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи моддалар алмашинувининг бўзилиши (масалан, триптофан ва тирозин аминокислоталарининг) канцероген фаолликка эга бўлган метаболитлар пайдо бўлишига олиб келади. Бўлар эндоген канцерогенлар деярли ва ички аъзоларда хавфли ўсмалар ривожланишига сабабчи бўлиши мумкин.

б) Нейроэндокрин системанинг нотўғри ишлаши натижасида келиб чиққан гормонал гомеостазнинг бўзилиши ўсмалар ривожланишининг иккинчи сабабчиси бўлиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда организмда эстрогенлар миқдорининг кўпайиб кетиши сут беши ва эндометрияда, тиреотрипиннинг кўпайиши қалқонсимон безда, гонадотропнинг кўпайиши тухумдонда ўсмалар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Айрим олимлар ўсмаларни келиб чиқиш сабаблари ирсият детерменантикка боғлиқ деган фикрни билдирмоқдалар. Айримлари рақни туғма ёки ирсий келиб чиқишини бир хил деб ҳисоблайдилар. Инбридинг текширишларни ўтказиш натижасида айрим олимлар генетик назарияни қўллаб қувватламоқдалар, улар рақни мутлоқ ирсий касаллик деб ҳисоблайдилар.

П.Ф. Терехов (1983) маълумотларига кўра айрим пайтда ҳайвон ва балиқда ўсмаларга нисбатан ирсий детерминация кўзатилади, лекин кўпинча уларни келиб чиқишига мойилиги борлиги аниқланди.

М.И. Кузин (1995), текшириши бўйича айрим зотдаги йирик шохли молларда кўз карциномасига ирсий мойиллик аниқланган бўлиб, шу билан биргаликда касаллик ҳосил бўлишига ташқи муҳит таъсиротлари қуёш нури ва озиклантириш миқдори ҳам таъсир қилади деган фикрни билдиради.

Кўпгина илмий изланишлар натижасида ирсият ўсмаларнинг келиб чиқишига ва ривожланишида катта роль ўйнаши исботланган. Лекин ирсият омиллари ўзгарувчан бўлади. Ўсмаларни келтириб чиқарувчи энг асосий омиллардан бири кўпинча ҳар хил ички ва ташқи таъсиротлар яъни асосан канцероген моддаларнинг организмга салбий таъсири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтгача одам ва ҳайвонларнинг ўсмаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан улар бу соҳада етарли даражада муваффақиятга эриша олмаганлар. Дастлабки пайтларда ҳайвонлар ўсмалар билан касалланмайди, улар фақат одамларда учрайдиган касаллик деган ҳулосага келинган. Биринчи марта қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида ўсмаларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотни Зеблам 1803 йилда тақдим этган. Унинг айтиши бўйича ўсмалар нафақат уй ҳайвонлари орасида тарқалган, балки гўштхўр ҳайвонларда ўсмалар кўпроқ учрайди. Унинг олиб борган изланишлари шуни кўрсатадики, турли ҳайвонларда турли хилдаги ўсма турлари учрайди. Масалан, отларда меланома, йирик шохли ҳайвонларда остеома ўсмалари кенг тарқалган. Экспериментал текширишлар ва клиник кўзатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ўсмаларни келиб чиқишига ва ривожланишига гормонал омиллар ҳам таъсир қилади.

Ю.М. Лопухин (1979) сичқонларда ўтказилган тажрибаларида эстроген гормонларини қўллаш нафақат урғочи балки эркак сичқонларда ҳам сут бези ракини чақирганлигини аниқлаган. Сичқонларда овариоэктомия ўтказилгандан кейин эса сут бези ўсмасининг кичрайиши аниқланган.

Ёмон сифатли ўсмаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш жуда мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамай илий мутахассислар томонидан жуда кўп бластомогенез назариялари ишлаб чиқилган. Лекин ўсмаларнинг келиб чиқиши ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Бластомоз

жараёнининг асосида организмдаги хужайраларни пролиферацияга учраши ётади. Ўсмалар пролиферацияси физиологик пролиферациялардан фарқи шундаки, улар детерминация қонунларига бўйсунмайди ва нейрогуморал таъсирда бўлмайдилар. Уларнинг пролифератив жараёнлари организм тарафидан бошқарилмайди.

Ҳайвонларни айрим ўсмаларининг келиб чиқиши сабаблари етарли даражада аниқланган. Масалан, урғочи итлар орасида сут беzi ўсмаси жуда кенг тарқалган. Уларнинг намоён бўлишига эстроген гормонларнинг таъсири аниқланган. Итларда овариоэктомия ўтказилганда уларда сут беzi ўсмаси жуда кам учрайди. Ушбу ўсма билан касалланган урғочи итларда ҳам овариоэктомия операцияси ўтказилганда ўсма ўсишдан тўхташи исботланган.

Ю.М. Лопухин (1979) таъкидлашича организмдаги айрим безларнинг ўсмалари гормонлар таъсирига мойил бўлади. Простата безининг ўсмасида гормонал препаратларини қўллаш яхши натижа бериши, яъни ўсмалар гормон таъсирида кичрайиши уларнинг гормонлар таъсирига мойиллигини яна бир марта кўрсатади.

Ўсмаларнинг келиб чиқиш назарияларини кўпчилигида уларнинг организмга салбий таъсирларини маҳаллий ва умумий бўлиши ва ҳамма вақт ҳам тўғридан-тўғри таъсир ўтказади деган фикри хато ҳисобланади. Эндоген ва экзоген таъсиротлар уларда алмашинувчи регенерацияни ривожлантиради ва тўқималардаги турли хил патологик ўзгаришларга олиб келади. Кўпгина онкологларнинг фикрига кўра тўқималарда бластомоген кўпайишнинг асосида модда алмашинувининг бўзилиши айниқса оқсил ва углеводларнинг сифат ва миқдор жihatдан ўзгаришлари ётади.

Охирги пайтларда турли илмий текширувлар натижасида олинган маълумотларга кўра тўқималарда канцироген омиллар таъсирида хужайра аппаратидаги генларнинг бўзилишидан уларнинг тўхтовсиз кўпайиши кўзатилмайди. Ҳозирги пайтда ўсмаларни келиб чиқиши сабаблари умумлаштирилиб икки йўналишига бўлинади:

Дастлабки йўналиш турли хил ташқи ва ички таъсиротлар натижасида хужайра ичида кечаётган жараёнларда турли хилдаги салбий биокимёвий ўзгаришлар кўзатилиб, бунинг натижасида нормал хужайралар ўсма хужайраларига айланади.

Иккинчи йўналиш бўйича ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари вируслар эканлиги аниқланган. Бу йўналиш вакиллари вируслар таъсирида тўқималарда нормал хужайраларнинг ички модда алмашинувининг бўзилиши натижасида уларни бластомогенозга учраб ўсма хужайраларга айланишини таъкидлайдилар.

Умуман олганда ҳозирги кунга келиб кўпгина олимлар ўсмаларнинг келиб чиқиш сабабларни кўп таъсиротли яъни полиэтиологик деб ҳисобланмоқдалар. Барча юқорида таъкидлаб ўтилган сабабларни ҳам аниқ дейиш нотўғри ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ўсмалар этиологиясини аниқлаш ҳалигача соҳа мутахассислари олдида муаммо бўлиб қолмоқда

Ўсмаларнинг келиб чиқиши полиэтиологик, лекин бу мураккаб жараёнларнинг ривожланишини молекуляр даражада кўрадиган бўлсак бунда ҳали кўп ноаниқликлар мавжуд. Нормал тўқима ўзоқ вақт таъсир этувчи қитиқланиш таъсирида ўсма тўқимасига айланади. Бунда шуни айтиш лозимки, барча қитиқлаш таъсиротлари ўсмани ўсишга олиб келмайди, балки асосан кимёвий қитиқловчи моддалар шундай хусусиятга эга.

Ўсмаларнинг келиб чиқиши вирус табиатли эканлиги тўғрисида биринчи марта Босе ва Боррел 1903 йилда фикр билдириб ўтдилар. Айрим вирусли касалликларда (қўйлар чечаги) кучли хужайралар пролиферацияси пайдо бўлади. Шу соҳалда илмий изланишлар олиб борган муаллифлар фикрига кўра, бу ходиса теридаги айрим ўсмаларнинг ўсиши билан ўхшаш ва улар бир хил антигенлар билан чақирилади.

Ўсмалар муаммоси биологик фанлар қаторида ҳамда тиббиёт ва ветеринария ходимлари нуқтаи назарида катта қизиқиш уйғотиб келган долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида кўпгина

соха мутахасислари илмий изланишлар олиб бориб фан учун керакли бўладиган самарали ютуқларга эришиб, соха ривожига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда хайвонлар организмида кечадиган барча турдаги патологиялар орасида ёмон сифатли ўсмалар патологияси тиббиёт ва ветеринария назарияси ва амалиёти учун муҳим ва долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Хайвонлар организмида кечадиган ўсмалар патологиясини одамларда кечадиган ўсмалар патологияси билан таққослаб бўлмаса ҳам ёмон сифатли ўсмалар муаммоси ветеринарияда ҳам етарлича долзарб муаммо ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги хайвонларининг ўсма билан касалланиши натижасида хўжаликларга катта иқтисодий етказилади, чунки бу касаллик билан сўйилган хайвонларнинг гўштидан зарарланган жойлар олиб ташланади, бундан ташқари хайвон ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтиришга тўскинлик қилиб махсулдорлигини камайтиради ва баъзи ҳолатларда хайвон ўлимига олиб келади.

Хайвонлар организмида содир бўладиган бластомотоз жараёнларни ўрганиш муҳим вазифа бўлиб, айниқса таққослаш патология аспектида катта аҳамиятга эга. Ўсмалар табиатда кўп тарқалган бўлиб, одамлар ҳамда барча турдаги хайвонларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалик хайвонлари, лаборатория ва йиртқич хайвонларда учрайди. Уларнинг шакли ва тўзилиши ҳамда жойлашиш жойи ҳар хил бўлишига қарамасдан ўсиш қонуниятлари, организмга кўрсатадиган таъсири ва клиник ифодасида баъзи бир хилликлар ҳам бўлади. Ўсмалар хизмат итлари боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларида катта иқтисодий зарар етказди.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган жинсий аъзо ўсма касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Итларда жинсий аъзо ўсмасини келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва жинсий аъзо ўсмаларини учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг «Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида жинсий аъзо ўсмаси билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида ўсма касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган экологик омилларни ўрганиш ва ташхис усуллари ишлаб чиқиш мақсадида итларни сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар ёрдамида итларнинг ўсма билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, жинсий аъзо шиллик пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг жинсий аъзода ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган ўсма касаллиги турли хилдаги механик шикастлар асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди.

2-жадвал

т/р	Ташкилотлар	Жинсий аъзо ўсмаси билан касалланган итлар сони				Ўртача	
		2012 йил		2013 йил			
		сони	%	сони	%	сони	%
1	Хирургик	100/11	11	97/12	12,4	197/23	11,7

	клиника						
2	Шаҳар вет.бўлими	70/8	11,4	89/9	10,1	159/17	10,7
3	ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомниги	78/6	7,7	82/8	9,8	160/14	8,8

Эслатма: жадвалдаги сонларнинг суръатида ҳайвонларнинг умумий сон, махражида эса касал ҳайвон сони берилган.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, жинсий аъзо ўсмалари асосан кўпроқ тўрт ёшдан катта итларда учраши маълум бўлди. Жинсий аъзо шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва қайта-қайта механик жароҳатланиши ушбу касалликнинг келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари минтақамизда экологик муҳитнинг бузилиши ҳам организм резистентлигининг пасайишига ва ўсма касалликларини ривожланишига сабаб бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва текширишлар шуни кўрсатдики, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 100 бош итларнинг 11 таси (11%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 97 бош итлар текширилганда 12 таси (12,4 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги маълум бўлди. (2-жадвал)

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 70 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 8 таси (11,4%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 89 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,1 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги қайд қилинди.

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган

78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 7 таси (7,7%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 8 таси (9,8 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда жинсий аъзо ўсмаларининг турли ташкилотларда ўртача фоизи турлича намоён бўлди ва у 8,8 % дан 11,7 % ни ташкил этди.

Касалланган итлар клиник текширилганда уларнинг жинсий аъзосида йиринг аралаш суюқлик оқиши ва шиш, қизариш кузатилди. Жинсий аъзосидаги шиллиқ пардаларда оғриқ борлиги туфайли итлар сийишга қийналади. Шиллиқ пардалар қизариб усти йирингли ғубор билан қопланган.

2.4. Итларда жинсий органлар ўсмаларини консерватив ва оператив усулда даволаш.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан ўсма билан касалланган 6 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирили улар 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Хар бир итда ўсма паренхимасининг характери, касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражаси ва хавфли ва хавфсиз сифатларига қараб танланди. Биринчи назорат гуруҳ итларида хирургик усулда ўсма тўқималари олиб ташланиб, жароҳатни ананавий усуллар бўйича даволанди. Иккинчи тажриба гуруҳи итларига хирургик усулларга қўшимча ҳолда катазал препарати итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва цефтраксон антибиотиғи мускул орасига юборилди . Бундан ташқари ҳосил бўлган жароҳатларни бирламчи ва иккиламчи тортилиш билан битиши жароҳатдаги грануляцион туқиманинг ҳосил бўлиши жароҳат биологиясига ҳам эътибор берилди. Биринчи яъни

Ўсмаларнинг бошлангич боскичида операция килинган итлар жароҳат биологияси ва иккинчи яъни ўсма катталашгандаги операциядан кейинги асоратлар кузатиб борилди.

Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўрикдан ўтказиб турилди.

Ўсмалар биопсия усулларида, гистологик текшириш натижаларига асосланиб ўсма тўқимасининг тури, хавфли ва хавфсиз сифатлари аниқланди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация усуллари ёрдамида текширилди.

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга стимулловчи воситаларнинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги итлар тажрибаларнинг бошида ва даволаш муолажалари бошлангандан кейин 3 – 5 – 7 – 9- 12 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфологик ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Касалликнинг ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тўри ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори (Сали гемометри) - Т ва В лимфоцитлар (Е-РОК ва ЕАК-РОК) текширилди.

2.4.1. Клиник –морфологик кўрсаткичлар

Ҳайвонлар операциядан олдин фиксация килиниб, мускул орасига аминазин юборилди ва норкоз мақсадида кетамин қулланилди. Жинсий аъзо ташкарига чиқарилиб ўсма устига бинт қуйилиб фиксация килинди. Сўнгра ўсма остидан уткир скалпел билан ва кичкина қайчи билан кесдик ва ўсма олиб ташланди.

Ўсма колдиги ҳам олиб ташланди. Кон томирлар атроф тўқималар билан кушиб тикиб ташланди. Кон окиши тухтатилганидан кейин жароҳатга антисептик кукунлар сепилди. Иккала гуруҳ ҳайвонларида ҳам операциялар утказилиб, асоратлар кузатилмади. Барча итлар операциядан кейин узини яхши хис килди. Операция утказилгандан кейин ҳам итлар узларини яхши хис кила бошладилар. Факат иккинчи гуруҳ итларининг иккитасида жинсий аъзодан кон ока бошлади, улар фиксация килиниб текширилганда кичик каппиляр кон окиш эканлиги аникланди.

Жароҳатларни, жумладан оператив жароҳатлардан регенератив жараёнларни кечиши узига хос хусусиятларга эга, айникса итларда узига хос кечади ва куйидагича таснифланади.

1. Гидротация фазаси ёки тозаланиш боскичи.
2. Дегидротация ёки операцион жароҳатни грануляцион тукима билан тулиши.
3. Чандик хосил булиши ва эпителизация боскичи.

Юкорида курсатилган фазалар орасида кескин чегара булмасада, кетма-кетлик сакланади ва бу фазалар узига хос морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар билан кечади.

Жароҳатлар битишининг биринчи фазасида битиш- тикланиш жараёнлари кон тухтатиш билан бошланиб, унда биофизик ва кимёвий ўзгаришлар ривожланган булади ва улар жароҳатда калий моддасининг купайиши, жароҳат мухитининг кислотали булиши характерланади.

Ацидоз холати жароҳатда кон томирлар шикастланиши, кон куюклашиши ва маҳаллий асфиксия холати, тўқималарда модда алмашинуви бузилиши CO_2 микдорининг ошиши билан характерланади. Кислород етишмаслиги таъсирида тўқималар айникса оксил ва ёғлар парчаланиши натижасида органик моддаларнинг сут кислотаси, ёғ кислотаси, нуклеин, ПАБК, адеинтифосфатлар,

аминокислоталар ва CO₂ тупланади, натижада тўқималар некрози кескин кучаяди, токсин моддалар ҳосил бўлади, бу эса, микроблар ривожланиши учун шароит яратади. Бу моддалар канчалик куп тупланса, организмни химоя воситалари шунчалик кийин ахволга тушади.

Организмда кислота - ишкор баланси бузилади, натижада тўқималар фаолияти кийинлашади.

Бу шароитда итлар организмда биринчи навбатда фагоцитар реакция пасаяди, ўлган тўқималар йирингга айланади.

Итлар организмда кислотали муҳитнинг ортиши кон томирлар ўтказувчанлигини орттиради, осматик босим ортади, бу эса тўқималарда модда алмашинуви бузилишига олиб келади.

Бундай шароитда дегенератив ўзгаришлар кучаяди, тўқималар некрозга учрайди, организмда иммунобиологик жараёнлар пасаяди.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда итларни жинсий аъзо касалликларини даволашда жароҳат биологияси шуни курсатдики, итларда асосан жароҳатлар сероз, яллигланишлар ўтиб, куп микдорда суюклик ажралиши оркали жинсий аъзо лат ейишида, балопаститларда ва жинсий аъзо ўсмасида асептика ва антисептика коидаларига риоя қилиниб ўлган тўқималар қисман тозаланганда, ўсма олиб ташлангандан кейин енгил суюклик ажралиши билан кечиб операцион жароҳат бирламчи битишига эришилди. Бунда утказилган муолажаларни биринчи соатларида биринчи гуруҳда жароҳат сатхи кон билан тулиб, бирламчи қавшарлар ҳосил бўлиши аниқланди. Жароҳат битишини 2-3 кунига келиб иккинчи қавшарланиш ҳосил бўлиши жароҳатларни бирламчи битганлиги аниқланди.

Жароҳатларни битишини иккинчи фазасида, тикланиш жараёнлари ёки регенератив жараёнлар билан характерланади. Ўлган тўқималар камайгандан кейин тўқималарга О.2 бориши ортади натижада оксидланиш-кайтарилиш жараёнлари охиригача боради, ацидоз ҳолати содир бўлмайди, хужайралар некроз ива парчаланиши намоён бўлмайди, бу ҳолатда К ионлари ортмайди, айниқса Са микдори ортиб боради, мода алмашинуви яхшиланиб, орлик моддаларни чиқарилиши ортади.

Жароҳат ичида ҳосил бўлган грануляцион туқима жароҳатни тўлдирар боради ва тулик тусик ҳосил қилади. Грануляцион туқима организмни ташқи агентлардан ҳимоя қилади, РН консентрацияси пасаяди, капеллярлар ўтказувчанлиги пасаяди, РЭС фаолияти кескин қучаяди.

Грануляцион туқима устидаги микрофлора фаолияти чегараланган, фақат янги туқима устида жойлашган. Лекин, грануляцион тусикни бузилиши, дегенератив жараёнларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Жароҳатларнинг иккиламчи битиши қон кетишининг тўхташи билан бошланиб, унинг клиник ва морфологик ўзгаришлари эса фақат гидратация фазасининг охириларида бошланади, яъни жароҳатнинг тозаланиши жараёнида нейтраллаш ва микробларнинг бостирилишида яққол намоён бўлади ва қуйидаги ўзгаришлар намоён бўлади: жароҳатдан 3-4 соатдан сўнг яллиғланиш аста-секин ошиб, қучайиб унинг сатҳи қон уюшган қутири ва ўлган тўқималар билан тўлади.

Шуниси қизикки, жароҳатда қанчалар қўп ўлган тўқималар бўлса, шунчалик яллиғланиш қучлироқ кечади. Айрим ҳолларда яллиғланиш гепирерик кечиб ҳайвоннинг умумий ҳолати кескин ўзгаради, ҳарорат ошади, пульс ва нафас олиши қучаяди. Натижада йирингли-резорбтив иситмаси келиб чиқади. Бу ҳам кескинлашиб сепсисга олиб келиши мумкин.

Жароҳат нормал кечишида эса, 3-6 кунларда грануляция даврида бошланади. Қорамолларда ўлган (сенестрацияланган) тўқималар билан соғ

тўқималар чегарасида грануляция пайдо булади. Улик тўқималарнинг камайиб бориши билан йиринглаш камаяди, уткир йирингли яллигланиш пасаяди. Жарохатда жарохат секрет (суюклиги) ҳосил булади, у йирингдан фаркли уларок куюк консистенцияда булиб таркибида трэфонлар, некрогормонлар ва бошқа физиологик актив моддалар булади, ундан ташкари вазоген ва гистокитар хужайралар ҳам мавжуд булади. Жарохат секрет аста-секин қота бошлайди ва коракутирга айланади, унинг остида эса грануляция давом этади.

Жарохат секрет бирламчи кон томирлар шаклланишини кучайтиради, шу билан хужайралар пролиферацияси ва фиброластик процессларни кучайтиради. Биринчи булиб капиллярлар регенерацияси (тикланиши) бошланади, бунга жарохат секретининг манфий электропотенциали ёрдам беради. Усаётган капиллярларнинг ички кавати (эндотелийси) худди шундай ўсмалар билан учрашмай орқага кайтиб илмок ҳосил килиб бошқаси билан бирикади ва жияк ҳосил килиб кон айланишини таъминлайди. Капиллярлар атрофига коннинг шаклли элементлари утира бошлайди (лейкоцитлар, полибластлар, макрофаглар ва фибробластлар) ва бириктирувчи тукимага айланади.

Кесилган жарохатда 4-5кунда жарохат грануляция билан копланди, эзилган, янчилган, отилган жарохатларда эса грануляцион тукимада анча кечикади. Эластик тола ва бириктирувчи тола элементлари дегидратацияга учраб (сувни йукотиб) котади, ингичкалашади ва мустахкамлашади. Грануляцион тукима жарохатни тулдириш билан унинг усиши тухтайди ва жарохат тери копламаси билан ёпила бошлайди.

Юкоридаги ўзгаришлар айнан иккинчи гуруҳ ҳайвонларида кузатилди, даволашнинг 3-кунида бу гуруҳ ҳайвонлари жинсий аъзоларидаги жарохатларида йиринг ҳосил булиб ҳайвонларнинг умумий ахволи ёмонлашди, аста секин ҳайвонлар овқат қабул килиши сустлашди ва куп ёта бошлашди, пропущиясидан йиринг ва кон аралаш суюклик оқа бошлади.

Даволашнинг 10-кунида жинсий аъзода ўсмалар четидан тукима яна ушиб келаётганлиги қайд этилди.

2.4.2.Қоннинг морфо-иммунологик кўрсаткичлари.

Тажрибагача ва тажриба давомида тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник кўрсаткичлари физиологик норма атрофида сақланганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, икинчи гуруҳ итларда операциядан кейин улар қонидаги эритроцитлар миқдори (3 - жадвал) биринчи кундан бошлаб кўпайиб борди, яъни тажрибаларнинг 7-кунида 43,2 % ни ($P<0,05$), бироқ тажриба охирига келиб кўпайиш дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,4 % ни ($P<0,05$) ташкил этди.

Бу гуруҳдаги итлари қонида лейкоцитлар миқдори тажрибанинг 1-кунидан бошлаб камайиб борди ва у 7,1 % ни ($P<0,05$) ташкил этди, кузатишларнинг 2-кунидан бошлаб унинг миқдори кўпайиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 7,7 % га ($P<0,05$) ошган бўлса, 15-кунга келиб эса 18,3 % га ($P<0,05$) камайганлиги қайд этилди.

Гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, тажрибанинг 1-кунида унинг миқдори 3,6 % га кўпайди, кейинчалик унинг максимал даражаси текширишларнинг 7-кунида кузатилди, яъни бунда унинг миқдори 40,1 % га ошганлиги қайд қилинди.

Лейкоформулада лимфоцитлар фоизи тажриба бошида 7,7 % га камайган бўлса, сўнгра бир маромда ортиб бориши кузатилиб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 24 % га кўпайди.

Биринчи гуруҳ итларда операциядан кейин улар қоннинг морфологик кўрсаткичларидаги (4 - жадвал) ўзгаришлар ҳам иккинчи гуруҳ итларида қонидаги морфологик ўзгаришларга ўхшаш бўлди, бироқ бу ўзгаришлар камроқ намоён бўлди. Яъни биринчи гуруҳ итларида бир кун кейин эритроцитларнинг 18,5 % га ($P<0,05$) камайиши ва сўнгра тажрибанинг кейинги кунларида бир маромда ошиб, 7-кунда 127,2 % га ($P<0,05$) ва

тажрибанинг охирига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 107, 3 %
ни ($P < 0,05$) ташкил этди.

Икинчи гуруҳ итларида улар қонининг морфологик кўрсаткичлари

3-жадвал

Қон кўрсатки члари	Биомет- рик кўр- Тажри-багача	Тажриба кунлари							
			I	II	IV	V	VII	XI	XV
Эритро- цитлар (10 ¹² /л)	М	4,4	4,9	5,2*	5,5*	5,3	6,3*	5,2*	4,9*
	±м	0,1	0,1	0,2	0,1	0,1	0,2	0,6	0,5
	%	100	111,4	118,2	125	120,5	143,2	118,2	111,4
Лейкоци тлар (10 ⁹ /л)	М	10,4	9,6*	11,2*	9,5	8,9	9,5	9,7	8,5*
	±м	1,2	0,7	0,9	0,8	0,6	1,4	0,4	2,2
	%	100	92,9	107,7	91,3	85,9	91,6	93,6	81,7
Гемогло- бин (г/л)	М	128	132,7	141,3*	142*	162*	179,3	152*	135,3
	±м	9,0	7,5	5,2	7,2	5,8	1,8	16,4	13,8
	%	100	103,6	110,4	110,9	126,6	140,1	118,8	105,7
Лимфо- цитлар (%)	М	47,3	43,7	52*	55*	55,7*	56	59	59
	±м	0,9	0,9	2,6	3,5	3,2	2,3	3,5	0,6
	%	100	92,3	109,9	116,2	117,6	118,2	124,9	124,9

- - Тажрибагача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ($P < 0,05$) биометрик фарқ.

Биринчи гуруҳ итларда улар қонининг морфологик кўрсаткичлари

4-жадвал

Қон кўрсаткичлари	Биометрик кўрсаткич	Тажрибагача	Тажриба кунлари						
			I	II	IV	V	VII	XI	XV
Эритроцитлар ($10^{12}/л$)	M	5,0	4,1*	4,4*	5,9*	5,7	6,4*	5,8*	5,4*
	$\pm m$	0,03	0,3	0,7	0,3	0,4	0,2	0,1	0,1
	%	100	81,5	88,1	116,6	113,2	127,2	115,2	107,3
Лейкоцитлар ($10^9/л$)	M	8	7.3	7.6	7.5	7.8	8.4	7.2	7.5
	$\pm m$	2,0	0,9	1,2	0,8	1,0	1,0	1,1	1,0
	%	100	91	95	93.7	97.5	105	90	93.7
Гемоглобин	M	124,7	123,3	124,7	140,7	140,7	148,7	159,3	133,3
	$\pm m$	7,7	12,0	3,7	8,7	9,8	7,7	13,3	14,5

(г/л)	%	100	98,9	100	112,8	112,8	119,3	127,8	106,9
Лимфо-цитлар	М	46,3	46,0	48	47	48	49	50	54
(%)	$\pm m$	7,2	5,6	5,5	3,8	3,7	3,2	2,0	1,2
	%	100	99,3	103.6	101.5	103.6	106	108	117

- - Тажрибагача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ($P < 0,05$) биометрик фарқ.

Текширишлар давомида лейкоцитлар сони 1- ва 2- кунларда 9 ва 5% га камайди, сўнгра кўпайиб бориб 8-кунлари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан, шунга мос равишда 5% га ошган бўлса, тажрибанинг охирига келиб 6.3 % га камайганлиги қайд қилинди.

Гемоглобин концентрацияси тажрибанинг 1- ва 2-кунларида дастлабки кўрсаткичларидан камроқ фарқ қилган бўлсада, аммо кейинчалик кўпайиб, тажрибанинг 11-кунига 27,8 % ни ва текширишларнинг охирига келиб эса 6,5 % ни ташкил этди.

Лейкоформулада лимфоцитлар фоизининг бир маромда ортиб бориши кузатилиб, кузатишларнинг 25-кунида унинг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 17 % га ошганлиги кузатилди.

Текширишлар давомида иккинчи гуруҳ итларда қонидаги иммунологик кўрсаткичларда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди (- жадвал).

Икинчи гуруҳ итлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари

- жадвал

Қон кўрсаткичлари	Биомет- рик кўр- Тажри-багача	Тажриба кунлари			
		IV	VIII	XV	
Т- лимфоцитлар (нисбий,%)	М	35	42,6*	41,3*	40*
	±м	5,4	0,1	1,2	0,6
	%	100	121,7	116,9	114,3
Т- лимфоцитлар (мутлоқ х10 ⁹ /л)	М	1,2	2,0	2,0*	1,7*
	±м	0,2	0,3	0,2	0,2
	%	100	166,7	166,7	141,7
В- лимфоцитлар (нисбий, %)	М	34,7	37*	39,7*	43,7*
	±м	0,9	0,6	2,4	1,0
	%	100	106,6	114,4	125,9
В- лимфоцитлар (мутлоқ х10 ⁹ /л)	М	1,2	1,8*	2,0	1,9*
	±м	0,1	0,2	0,4	0,3
	%	100	150	166,7	158,3
Иммуноглобул ин А (мг/мл)	М	1,8	2,2*	2,6*	2,9
	±м	0,1	0,3	0,1	0,1
	%	100	120	141,8	156,4
Иммуноглобул	М	1,3	1,9*	1,1	1,2*

ин М (мг/мл)	±м	0,1	0,1	0,1	0,1
	%	100	140	82,5	87,5
Иммуноглобулин G (мг/мл)	М	14,2	13,1	20,7*	19,8*
	±м	1,0	0,6	2,1	1,8
	%	100	92,7	146,1	139,8

* - Тажрибагача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ($P<0,05$) биометрик фарк.

Бу гуруҳдаги ҳайвонларнинг иммун тизим кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар намоён бўлиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ миқдорининг кузатишларнинг 4-кунида шунга мос равишда 21,7 ва 66,7 % га ($P<0,05$) ошганлиги кузатилди. В-лимфоцитларнинг нисбий фоизи текширишлар давомида аста-секин кўпайиб тажриба охирида 25,9 % га ($P<0,05$) кўпайди. Унинг мутлоқ миқдори кўпайишининг максимал даражаси тажрибанинг 8-кунида кузатилиб, 66,7 % ни ташкил этган бўлса, сўнгра озроқ камайиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 58,3 %га кўпайганлиги қайд қилинди. Қон зардобидagi А иммуноглобулинлар миқдори тажрибалар давомида кўпайиб, текширишлар охирида 56,4 % ни ташкил этди. М-иммуноглобулинлар миқдори тажрибанинг 4-кунида 40 % га ($P<0,05$) ошган бўлса, сўнгра камайиб кузатишлар охирида 87,5 % ($P<0,05$) ошганлиги қайд қилинди. G-иммуноглобулинлар миқдори тажриба бошида 7,3 % га камайди, сўнгра текширишларнинг 8 ва 15-кунлари дастлабки кўрсаткичларига нисбатан шунга мос равишда 146,1 ($P<0,05$) ва 139,8 % га ($P<0,05$) кўпайиши характерли бўлди.

Биринчи гуруҳ итлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари

- жадвал

Қон кўрсаткичлари	Биомет- рик кўр- рик	Тажри- ба бағача	Тажриба кунлари		
			IV	VIII	XV
Т- лимфоцитлар (нисбий,%)	М	34	44*	42,7*	40
	±м	4,7	0,6	3,7	1,5
	%	100	129,4	125,5	117,6
Т- лимфоцитлар (мутлоқ $\times 10^9/\text{л}$)	М	1,1	1,8*	2,2*	1,5
	±м	0,1	1,0	0,5	0,2
	%	100	163,6	200	136,4
В- лимфоцитлар (нисбий, %)	М	25,3	33*	39,7*	41,7*
	±м	3,2	3,6	2,0	1,2
	%	100	130,4	156,9	164,5
В- лимфоцитлар (мутлоқ $\times 10^9/\text{л}$)	М	0,8	1,3*	1,8*	1,5
	±м	0,1	0,1	0,2	0,1
	%	100	162,5	225,0	187,5
Иммуноглобул ин А (мг/мл)	М	1,8	1,6	2,5*	2,8*
	±м	0,2	0,2	0,1	0,1
	%	100	87	140,7	153,7
Иммуноглобул ин М (мг/мл)	М	1,2	1,8*	1,2*	1,0
	±м	0,1	0,03	0,1	0,1
	%	100	151,4	100	88,6
Иммуноглобули н G (мг/мл)	М	13,5	12,1	19,0*	18,8*
	±м	0,9	0,6	0,2	0,8
	%	100	89,9	141	139,5

* - Тажрибагача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ($P < 0,05$) биометрик фарқ.

Текширишлар давомида биринчи гуруҳ итларда қонидаги иммунологик кўрсаткичларда қуйидаги ўзгаришлар кузатдик (- жадвал).

Тажрибанинг 4-кунида Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори 29,4 % га кўпайиб, текширишлар охирида озроқ камайиб, улар миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 117,6 % ни ташкил этди. Уларнинг мутлоқ миқдори 8-кунида 2 баробар ($P<0,05$) кўпайди, тажриба охирида эса 136,4 % га ошганлиги аниқланди. В-лимфоцитлар миқдори секин кўпайиб, тажриба охирида 64,5 % га ($P<0,05$) кўпайганлиги намоён бўлди. Унинг мутлоқ миқдори тажрибанинг 8-кунида 125,0 % ни ва текширишларнинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 187,5 % ни ташкил этди. А-иммуноглобулинлар миқдори тажриба бошида 13 % га камайган бўлса, текширишлар охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 53,7 % га ошганлиги қайд қилинди. М-иммуноглобулинлар миқдори тажрибанинг 4-кунида 51,4 % га ($P<0,05$) кўпайган бўлса, тажриба охирида 11,8 % га камайди. G иммуноглобулинлар миқдори эса аксинча, олдин 10,1 % га камайиб, сўнгра тажрибанинг 8 ва 15-кунлари шунга мос равишда 41,0 ва 39,5 % га ($P<0,05$) кўпайганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, тажрибалар давомида ҳайвонларга турли хилдаги усуллар билан даволаш муолажалари қўлланилганда, улар қонидаги морфологик ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ва тажрибадаги ҳайвонларнинг сезувчанлиги аниқланди.

Тўқима ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий миқдорининг ортиши тажрибанинг 1-кунлариданоқ кузатилиб, унинг мутлоқ миқдорининг ортиши лимфо ва лейкоцитоз кўринишида кенгроқ намоён бўлди. В-лимфоцитлар нисбий миқдори ансинча тажриба охирида кўпайган бўлса, унинг мутлоқ миқдори эса текширишларнинг 8-кунида максимал даражага етганлиги намоён бўлди.

2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Хозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга, унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини кискартириш, чорвачилик, соғлом ҳайвонлар подасини ташкил қилиш ётади.

Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг хартамонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу еса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

Хозирги вақтда ҳайвонларда учрайдиган касалликларни, улар натижасида ўлимининг олдини олиш, соғломлаштириш, даволаш тадбирлар, чорва мажсулотларини нобут бўлишидан зарарни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф килинган: ҳақиқий ва бартараф етилган зарар, ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги, Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. (2004); Гинзбург А.Г. (2005); Попов Н.А.(2005); Шакиров Ф.К., Удалов В.А., Грядов С.И. и др. (2006) 1 сўм харажатга самарадорлик ва бошқалар.

Иқтисодий зарар бу ҳайвонларнинг касалликлари билан боғлиқ бўлган зарарни пул шаклидаги ифодаси.

Бартараф етилган зарар бу ветеринария тадбирларини иқтисодий натижасини белгиловчи ва кутилиши мумкин бўлган зарар миқдори.

Ветеринария тадбирларини ўтказиш учун харажатлар – бу уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар миқдори.

Итлардаги жарроҳатларни даволаш учун қуйидаги харажатлар кетади.

1. Бартараф қилинган зарар:

$$Бз = X_c \times T_n - П_m$$

X_c – ҳайвонларнинг сони

T_n – ҳайвоннинг ўртача таннарахи

$П_m$ – мажбуран сўйилиши ёки сотилишидан олинadиган пул миқдори

$$Бз = 6 \times 200000 = 1200000 - 300000 = 900\,000 \text{ сўм}$$

2. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш:

$$Ис = Бз - В_x$$

$Бз$ – бартараф қилинган зарар

$В_x$ – ветеринария харажатлари – 90000 сўм

$$Ис = 900\,000 - 90000 = 810000 \text{ сўм}$$

3. Ветеринария тадбирининг 1 сўм харажатиға иқтисодий самарадорлиғи:

$$И = Ис : В_x$$

$$В_x = 90000$$

$$Ис = 810000$$

$$И = 810000 : 90000 = 9 \text{ сўм}$$

Итларда ўсмаларни даволашда 1 сум харажатга 9 сўм иқтисодий самарадорлик олинди.

2-боб бўйича хулоса.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар қурилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Хизмат итларини ўргатишда ит ўргатувчисининг нотўғри хатти-ҳаракатлари итда ёқимсиз муносабатларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкин. Масалан, ит бирон-бир молни тўдага қўшиш учун ҳайдаб бораётган бир пайтда анча кучлироқ бўлган қўзғатувчи, яъни буталар орасидан отилиб чиққан товушқон изидан қувлаб кетиши. Ит ўргатувчиси “фу!” буйруғини берар экан, бир вақтнинг ўзига “ёнимга!” деган буйруқни ҳам беҳосдан айтиб юборади. Ит ўргатувчининг олдига чопиб келади ва у жониворни рағбатлантиради. Бу пайтда таққловчи буйруқ “фу!” гўёки “ёнимга!” деган буйруқ билан уйғунлашиб кетгандай туюлади. Худди шу жуфтликда мазкур буйруқлар бир неча маротаба такрорланса, “фу!” буйруғи жонивор учун “ёнимга!” буйруғининг аҳамиятини касб этади ва бунинг натижасида таққловчи “фу!” буйруғи берилганда ит ўз хўжайини олдига югуриб келадиган бўлиб қолади.

Ҳайвон у ёки бу буйруқни икки маротаба бажарганидан кейин учинчи марта айнан шу буйруқни бажаришдан бош тортиши каби ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар

рационни таҳлил қилинганида улар структураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационни: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 7 таси (7,7%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 8 таси (9,8 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда жинсий аъзо ўсмаларининг турли ташкилотларда ўртача фоизи турлича намоён бўлди ва у 8,8 % дан 11,7 % ни ташкил этди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан ўсма билан касалланган 6 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирили улар 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир итда ўсма паренхимасининг характери, касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражаси ва хавфли ва хавфсиз сифатларига қараб танланди. Биринчи назорат гуруҳ итларида хирургик усулда ўсма тўқималари олиб ташланиб, жароҳатни ананавий усуллар бўйича даволанди. Иккинчи тажриба гуруҳи итларига хирургик усулларга қўшимча ҳолда катазал препарати итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва цефтраксон антибиотики мускул орасига

юборилди . Бундан ташкари хосил бўлган жароҳатларни бирламчи ва иккиламчи тортилиш билан битиши жароҳатдаги грануляцион туқиманинг хосил бўлиши жароҳат биологиясига ҳам эътибор берилди. Биринчи яъни ўсмаларнинг бошлангич боскичида операция қилинган итлар жароҳат биологияси ва иккинчи яъни ўсма катталашгандаги операциядан кейинги асоратлар кузатиб борилди.

Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўрикдан ўтказиб турилди.

Қесилган жароҳатда 4-5 кунда жароҳат грануляция билан қопланди, эзилган, янчилган, отилган жароҳатларда эса грануляцион туқимада анча кечикади. Эластик тола ва бириктирувчи тола элементлари дегидратацияга учраб (сувни йукотиб) қотади, ингичкалашади ва мустаҳкамлашади. Грануляцион туқима жароҳатни тулдириш билан унинг усиши тухтайди ва жароҳат тери қопламаси билан ёпила бошлайди.

Юқоридаги ўзгаришлар айнан иккинчи гуруҳ ҳайвонларида кузатилди, даволашнинг 3-кунида бу гуруҳ ҳайвонлари жинсий аъзоларидаги жароҳатларида йиринг хосил бўлиб ҳайвонларнинг умумий ахволи ёмонлашди, аста секин ҳайвонлар овқат қабул қилиши сустлашди ва қуп ёта бошлашди, пропущиясидан йиринг ва қон аралаш суюқлик оқа бошлади.

Даволашнинг 10-кунида жинсий аъзода ўсмалар четидан туқима яна ушиб келаётганлиги қайд этилди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, икинчи гуруҳ итларида операциядан кейин улар қонидаги эритроцитлар миқдори тажриба охирига қелиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,4 % ни қўпайиб, лейкоцитлар миқдори эса 18,3 % га қамайди, гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, 140,1 % га , лейкоформулада лимфоцитлар фоизи эса 24 % га қўпайганлиги қайд этилди.

Тўқима ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий миқдорининг ортиши тажрибанинг 1-кунлариданоқ кузатилиб, унинг мутлоқ миқдорининг ортиши лимфо ва лейкоцитоз кўринишида кенгроқ намоён бўлди. В-лимфоцитлар нисбий миқдори ансинча тажриба охирида кўпайган бўлса, унинг мутлоқ миқдори эса текширишларнинг 8-кунида максимал даражага етганлиги намоён бўлди.

III. боб.Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар

Итларни сақлаш учун хоналарни куришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир катор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи хайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ-) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва куёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Қуруқ, мускулли итлар ҳаётий жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузмадиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2

баробар, хизматчи итларда -30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кг тирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кдж, 3-5 ойликда 710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар структураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Хизмат турларининг кўп қирралиги (қоровуллиқ, соқчилик, қидирув, санитар ва бошқ.) итлардан саломатлик ва муносиб тайёргарликни талаб этади. Бундан ташқари, ит ўргатувчиси берган оғзаки буйруқлар ва ўргатиш усуллариининг тўғри тузилиши, тип хусусиятларининг аҳамиятлари ва бошқаларга қаттиқ риоя қилиш лозим. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Ит ўргатувчисининг нотўғри хатти-ҳаракатлари итда ёқимсиз муносабатларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкин. Масалан, ит бирон-бир молни тўдага қўшиш учун ҳайдаб бораётган бир пайтда анча кучлироқ бўлган қўзғатувчи, яъни буталар орасидан отилиб чиққан товушқон изидан қувлаб кетиши. Ит ўргатувчиси “фу!” буйруғини берар экан, бир вақтнинг ўзида “ёнимга!” деган буйруқни ҳам беҳосдан айтиб юборади. Ит ўргатувчининг олдига чопиб келади ва у жониворни рағбатлантиради. Бу пайтда тақиқловчи буйруқ “фу!” гўёки “ёнимга!” деган буйруқ билан

уйғунлашиб кетгандай туюлади. Худди шу жуфтликда мазкур буйруқлар бир неча маротаба такрорланса, “фу!” буйруғи жонивор учун “ёнимга!” буйруғининг аҳамиятини касб этади ва бунинг натижасида тақиқловчи “фу!” буйруғи берилганда ит ўз хўжайини олдиға югуриб келадиган бўлиб қолади. Ҳайвон у ёки бу буйруқни икки маротаба бажарганидан кейин учинчи марта айнан шу буйруқни бажаришдан бош тортиши каби ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўтиришға ўргатиш асосан контраст усули ёрдамида бажарилади, айрим пайтларда ширинлик билан сийлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. “Ўтир” буйруғига бирламчи шартли рефлексни ишлаб чиқиш машғулоти осонлаштирилган шароитда ўтказилади. Контраст (қарама-қарши) усулда у қуйидагича бажарилади. Ўргатувчи чап оёғи олдида турган итға бурилиб, ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани ушлайди, чап қўлининг кафтини эса итнинг бел-сағрин қисмига қўйиб босишға тайёр туради. Шундан сўнг “ўтир” деган буйруқни бериб тасмани юқорига ва орқаға тортади ҳамда итнинг бел-сағри қисмига босади. Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “ўтир”, “яхши” деган буйруқни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, силаб ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатға рухсат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Айрим олимлар ўсмаларни келиб чиқиш сабаблари ирсият детерменантликға боғлиқ деган фикрни билдирмоқдалар. Айримлари рақни туғма ёки ирсий келиб чиқишини бир хил деб ҳисоблайдилар. Инбридинг текширишларни ўтказиш натижасида айрим олимлар генетик назарияни қўллаб қувватламоқдалар, улар рақни мутлоқ ирсий касаллик деб ҳисоблайдилар.

П.Ф. Терехов (1983) маълумотларига кўра айрим пайтда ҳайвон ва балиқда ўсмаларға нисбатан ирсий детерминация кўзатилади, лекин кўпинча уларни келиб чиқишиға мойилиги борлиги аниқланди.

М.И. Кузин (1995), текшириши бўйича айрим зотдаги йирик шохли молларда кўз карциномасига ирсий мойиллик аниқланган бўлиб, шу билан биргаликда касаллик ҳосил бўлишига ташқи муҳит таъсиротлари қуёш нури ва озиклантириш миқдори ҳам таъсир қилади деган фикрни билдиради.

Ю.М. Лопухин (1979) сичқонларда ўтказилган тажрибаларида эстроген гормонларини қўллаш нафақат урғочи балки эркак сичқонларда ҳам сут беи ракини чақирганлигини аниқлаган. Сичқонларда овариоэктомия ўтказилгандан кейин эса сут беи ўсмасининг кичрайиши аниқланган.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган жинсий аъзо ўсма касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида жинсий аъзо ўсмаси билан касалланиш даражаси ўрганилди.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, жинсий аъзо ўсмалари асосан кўпроқ тўрт ёшдан катта итларда учраши маълум бўлди. Жинсий аъзо шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва қайта-қайта механик жароҳатланиши ушбу касалликнинг келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари минтақамизда экологик муҳитнинг бузилиши ҳам организм резистентлигининг пасайишига ва ўсма касалликларини ривожланишига сабаб бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва текширишлар шуни кўрсатдики, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 100 бош итларнинг 11 таси (11%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 97 бош итлар текширилганда 12 таси (12,4 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги маълум бўлди. (2-жадвал)

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 70 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 8 таси (11,4%) жинсий аъзо ўсмалари

билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 89 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,1 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги қайд қилинди.

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 7 таси (7,7%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 8 таси (9,8 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда жинсий аъзо ўсмаларининг турли ташкилотларда ўртача фоизи турлича намоён бўлди ва у 8,8 % дан 11,7 % ни ташкил этди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан ўсма билан касалланган 6 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирили улар 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Хар бир итда ўсма паренхимасининг характери, касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражаси ва хавfli ва хавфсиз сифатларига қараб танланди. Биринчи назорат гуруҳ итларида хирургик усулда ўсма тўқималари олиб ташланиб, жароҳатни ананавий усуллар бўйича даволанди. Иккинчи тажриба гуруҳи итларига хирургик усулларга қўшимча ҳолда катазал препарати итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва цефтраксон антибиотики мускул орасига юборилди .

Бизнинг тадқиқот ишларимизда итларни жинсий аъзо касалликларини даволашда жароҳат биологияси шуни курсатдики, итларда асосан жароҳатлар сероз, яллигланишлар ўтиб, куп микдорда суюқлик ажралиши орқали жинсий аъзо лат ейишида, баланопаститларда ва жинсий аъзо ўсмасида асептика ва антисептика коидаларига риоя қилиниб ўлган тўқималар қисман тозаланганда, ўсма олиб ташлангандан кейин енгил суюқлик ажралиши билан кечиб операцион жароҳат бирламчи битишига эришилди. Бунда утказилган муолажаларни биринчи соатларида биринчи гуруҳда жароҳат сатхи кон билан тулиб, бирламчи қавшарлар ҳосил бўлиши аниқланди. Жароҳат битишини 2-3 кунга келиб иккинчи қавшарланиш ҳосил бўлиши жароҳатларни бирламчи битганлиги аниқланди.

Кесилган жароҳатда 4-5 кунда жароҳат грануляция билан қопланди, эзилган, янчилган, отилган жароҳатларда эса грануляцион туқимада анча кечикади. Эластик тола ва бириктирувчи тола элементлари дегидратацияга учраб (сувни йукотиб) қотади, ингичкалашади ва мустаҳкамлашади. Грануляцион туқима жароҳатни тулдириш билан унинг усиши тухтайди ва жароҳат тери қопламаси билан ёпила бошлайди.

Юқоридаги ўзгаришлар айнан иккинчи гуруҳ ҳайвонларида кузатилди, даволашнинг 3-кунида бу гуруҳ ҳайвонлари жинсий аъзоларидаги жароҳатларида йиринг ҳосил бўлиб ҳайвонларнинг умумий ахволи ёмонлашди, аста секин ҳайвонлар овқат қабул қилиши сустлашди ва куп ёта бошлашди, пропущиясидан йиринг ва кон аралаш суюқлик оқа бошлади.

Даволашнинг 10-кунида жинсий аъзода ўсмалар четидан туқима яна ушиб келаётганлиги қайд этилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник кўрсаткичлари физиологик норма атрофида сақланганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, икинчи гуруҳ итларида операциядан кейин улар қонидаги эритроцитлар микдори тажриба

охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,4 % ни кўпайди, лейкоцитлар миқдори 18,3 % га камайди, гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, 140,1 % га, лейкоформулада лимфоцитлар фоизи эса 24 % га кўпайганлиги қайд этилди.

Текширишлар давомида иккинчи гуруҳ итларда қонидаги иммунологик кўрсаткичларда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди.

Бу гуруҳдаги ҳайвонларнинг иммун тизим кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар намоён бўлиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ миқдорининг кузатишларнинг 4-кунида шунга мос равишда 21,7 ва 66,7 % га, В-лимфоцитларнинг нисбий фоизи тажриба охирида 25,9 % га, унинг мутлоқ миқдори кўпайишининг максимал даражаси тажрибанинг 8-кунида кузатилиб, 66,7 % ни, қон зардобиддаги А иммуноглобулинлар миқдори текширишлар охирида 56,4 % ни, М-иммуноглобулинлар миқдори 87,5 % га ошганлиги қайд қилинди. G-иммуноглобулинлар миқдори тажриба бошида 7,3 % га камайди, сўнгра текширишларнинг 8 ва 15-кунлари дастлабки кўрсаткичларига нисбатан шунга мос равишда 146,1 ($P<0,05$) ва 139,8 % га ($P<0,05$) кўпайиши характерли бўлди.

Тўқима ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий миқдорининг ортиши тажрибанинг 1-кунлариданоқ кузатилиб, унинг мутлоқ миқдорининг ортиши лимфо ва лейкоцитоз кўринишида кенгроқ намоён бўлди. В-лимфоцитлар нисбий миқдори ансинча тажриба охирида кўпайган бўлса, унинг мутлоқ миқдори эса текширишларнинг 8-кунида максимал даражага етганлиги намоён бўлди.

III.боб бўйича хулоса

Итларни сақлаш учун хоналарни куришда хоналар бир катор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи

хайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ-) химоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва курук, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик курилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, курук, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва куёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиқ кетишидан химоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж энергия талаб этилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационни таҳлил қилинганида улар стуруктураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационни: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечқурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Ит ўргатувчисининг нотўғри хатти-ҳаракатлари итда ёқимсиз муносабатларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкин. Масалан, ит бирон-бир молни тўдага қўшиш учун ҳайдаб бораётган бир пайтда анча кучлироқ бўлган кўзғатувчи, яъни буталар орасидан отилиб чиққан товушқон изидан қувлаб кетиши.

Ўтиришга ўргатиш асосан контраст усули ёрдамида бажарилади, айрим пайтларда ширинлик билан сийлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. “Ўтир”

буйруғига бирламчи шартли рефлексни ишлаб чиқиш машғулотлари осонлаштирилган шароитда ўтказилади. Контраст (қарама-қарши) усулда у куйидагича бажарилади. Ўргатувчи чап оёғи олдида турган итга бурилиб, ўнг кўли билан бўйнидаги тасмани ушлайди, чап кўлининг кафтини эса итнинг бел-сағрин қисмига қўйиб босишга тайёр туради. Шундан сўнг “ўтир” деган буйрукни бериб тасмани юқорига ва орқага тортади ҳамда итнинг бел-сағри қисмига босади. Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “ўтир”, “яхши” деган буйрукни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, силаб ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатга рухсат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Айрим олимлар ўсмаларни келиб чиқиш сабаблари ирсият детерменантликга боғлиқ деган фикрни билдирмоқдалар. Айримлари рақни туғма ёки ирсий келиб чиқишини бир хил деб ҳисоблайдилар. Инбридинг текширишларни ўтказиш натижасида айрим олимлар генетик назарияни кўллаб қувватламоқдалар, улар рақни мутлоқ ирсий касаллик деб ҳисоблайдилар.

П.Ф. Терехов (1983) маълумотларига кўра айрим пайтда ҳайвон ва балиқда ўсмаларга нисбатан ирсий детерминация кўзатилади, лекин кўпинча уларни келиб чиқишига мойилиги борлиги аниқланди.

М.И. Кузин (1995), текшириши бўйича айрим зотдаги йирик шохли молларда кўз карциномасига ирсий мойиллик аниқланган бўлиб, шу билан биргаликда касаллик ҳосил бўлишига ташқи муҳит таъсиротлари қуёш нури ва озиклантириш миқдори ҳам таъсир қилади деган фикрни билдиради.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган жинсий аъзо ўсма касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида жинсий аъзо ўсмаси билан касалланиш даражаси ўрганилди.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, жинсий аъзо ўсмалари асосан кўпроқ тўрт ёшдан катта итларда учраши маълум бўлди. Жинсий аъзо шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва қайта-қайта механик жароҳатланиши ушбу касалликнинг келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари минтақамизда экологик муҳитнинг бузилиши ҳам организм резистентлигининг пасайишига ва ўсма касалликларини ривожланишига сабаб бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва текширишлар шуни кўрсатдики, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 100 бош итларнинг 11 таси (11%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 97 бош итлар текширилганда 12 таси (12,4 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги маълум бўлди.

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 70 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 8 таси (11,4%) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 89 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,1 %) жинсий аъзо ўсмалари билан касалланганлиги қайд қилинди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан ўсма билан касалланган 6 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирили улар 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Хар бир итда ўсма паренхимасининг характери, касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражаси ва хавфли ва хавфсиз сифатларига қараб танланди. Биринчи назорат гуруҳ итларида хирургик усулда ўсма тўқималари олиб ташланиб, жароҳатни ананавий усуллар бўйича даволанди. Иккинчи тажриба гуруҳи итларига хирургик усулларга қўшимча ҳолда

катазал препарати итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва цефтраксон антиотиғи мускул орасига юборилди .

Тажрибагача ва тажриба давомида тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник кўрсаткичлари физиологик норма атрофида сақланганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, икинчи гуруҳ итларида операциядан кейин улар қонидаги эритроцитлар миқдори тажриба охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,4 % ни кўпайиб, лейкоцитлар миқдори эса 18,3 % га камайди, гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, 140,1 % га , лейкоформулада лимфоцитлар фоизи эса 24 % га кўпайганлиги қайд этилди.

Текширишлар давомида иккинчи гуруҳ итларда қонидаги иммунологик кўрсаткичларда сезиларди ўзгаришлар намоён бўлиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ миқдорининг кузатишларнинг 4-кунида шунга мос равишда 21,7 ва 66,7 % га,. В-лимфоцитларнинг нисбий фоизи тажриба охирида 25,9 % га, унинг мутлоқ миқдори кўпайишининг максимал даражаси тажрибанинг 8-кунида кузатилиб, 66,7 % ни, қон зардобидеги А иммуноглобулинлар миқдори текширишлар охирида 56,4 % ни, М-иммуноглобулинлар миқдори 87,5 % га ошганлиги қайд қилинди. G-иммуноглобулинлар миқдори тажриба бошида 7,3 % га камайди, сўнгра текширишларнинг 8 ва 15-кунлари дастлабки кўрсаткичларига нисбатан шунга мос равишда 146,1 ва 139,8 % га кўпайиши характерли бўлди.

Тўқима ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий миқдорининг ортиши тажрибанинг 1-кунлариданоқ кузатилиб, унинг мутлоқ миқдорининг ортиши лимфо ва лейкоцитоз кўринишида кенгроқ намоён бўлди. В-лимфоцитлар нисбий миқдори ансинча тажриба охирида кўпайган бўлса, унинг мутлоқ миқдори эса текширишларнинг 8-кунида максимал даражага етганлиги намоён бўлди.

Хулоса

1. Хизмат итлари сақланадиган кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м бўлиши лозим, кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилиб, эшикнинг пастки кисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бўлиши керак.

2. Хизмат итлари рационда гўшт ва сут махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рацион: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г гача берилиши лозим. .

3.Текширишлар натижасида Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида, Шаҳар ветеринария бўлимида ва Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларда жинсий аъзо ўсмаларининг ўртача фоизи турлича намоён бўлди ва у 8,8 % дан 11,7 % ни ташкил этди.

4. Итларда операциядан кейин анъанавий даволашга қўшимча биостимуляторлар ва кучли антибиотиклар қўлланилганида улар қонидаги эритроцитлар миқдори тажриба охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,4 % ни кўпайиб, лейкоцитлар миқдори эса 18,3 % га камайди, гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, 140,1 % га , лейкоформулада лимфоцитлар фоизи эса 24 % га кўпайганлиги қайд этилди.

5. Итларда операциядан кейин анъанавий даволашга қўшимча биостимуляторлар ва кучли антибиотиклар қўлланилганида улар иммун

тизими кўрсаткичларида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилиб, бунда Т-лимфоцитлар нисбий миқдорининг ортиши тажрибанинг 1-кунлариданок кузатилиб, унинг мутлоқ миқдорининг ортиши лимфо ва лейкоцитоз кўринишида кенгрок намоён бўлди.

Амалий тавсиялар

1.Хизмат итлари сақланадиган кабиналар кенг ва ёруғ бўлиши, улар рационда гўшт ва сут маҳсулотлари 40 %, крупа, нон 50 %, картошка ва сабзавот 10 % дан кам бўлмаслиги сабзи ва қарам балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г гача берилиши тавсия этилади.

2. Итларда жинсий аъзо ўсмаларини даволашда ҳайвонларнинг тўқима ва гуморал иммун тизимини стимуллаш ва патологик ўчоқдаги регенерация жараёнларини кучайтириш мақсадида оператив усулларга қўшимча катазал препаратини итнинг мускул орасига 10 кг тирик вазнига 2 мл , “мультивит” дан эса 10 кг тирик вазнига 0,5-1 мл миқдорда ва цефтраксон антибиотигини мускул орасига юбориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ВИИ. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалик тарақиёти тўқин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг 10–сессиясида нутқи. 24 декабр 1992 йил.
2. Каримов И.А. Еришган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий

ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2004 йил 12 феврал. “Зарафшон” рўзномаси.

3. Каримов И. А. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш чора тадбирлари». 308–буйруқ. “Халқ сўзи” газетаси, 26 март 2006 йил.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон” – 2009 й. 3–7 бетлар.
5. Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. «Ветеринария ишини ташкил етиш ва унинг иқтисодиёти». Самарқанд, 2004.
6. Абелев Г.И. Что такое опухоль? Соросовский образовательный журнал. 1987, 3; 10, 85–90 стр.
7. Белов А.Д., Плахотин М.В., Башкиров Б.А. и др. Общая ветеринарная хирургия. М. Агропромиздат, 1990
8. Ибицьев Т.Т. Комплексная терапия случайных инфицированных ран у животных. автор. дисс. на соискание учёной степени кандидата ветеринарных наук. Санкт–Петербург – 2012
9. Гуменная Е.Ю., Диагностика и лечение опухолей у собак. Красноярск ГАУ. 2003
10. Зюсс Р, Кинсел В., Скрибнер Дж. Д. Рак. Эксперименты и гипотезы. М. Мир, 1987, 358 с.

11. Кулешова Я А Опухоли носовой полости у собак и кошек этиология, клинические симптомы и диагностика – Екатеринбург «Ветеринарная клиника», 2007, №7, 27–31
12. Кулешова Я.А., Ягников С.А. Диагностика и лечение опухолей носовой полости у собак и кошек. Методические рекомендации. Российский университет дружбы народов. М., 2008. – С. 32.
13. Кулешова О. А. Клинико–морфологическое обоснование фотодинамической терапии у собак и кошек. Автореферат на соискание ученой степени кандидата ветеринарных наук. Москва. 2012.
14. Терехов П.Ф. Ветеринарная онкология. М.;1983.
15. Токин А. С. Подбор схем химиотерапии для лечения опухолей носовых ходов у собак. / Стеколников А. А., Бокарев А.В. // «Новые фармакологические средства в ветеринарии» Материали 19 международной межвузовской научно–практической конференции. Санкт–Петербург. 2007 г. Стр. 42–43.
16. Токин А.С. Онкологическая настороженность при носовых кровотечениях у собак. / Стеколников А.А., Бокарев А.В. // Материали конференции «Белые ночи – 2007» Вестник № 3., Санкт–Петербург 29 июня 2007 года. Стр. 61 – 65.
17. Токин А.С. Диагностика новообразований полости и придаточных пазух носа у собак. / Бокарев А.В., Стеколников А.А. // Актуальные проблемы ветеринарной медицины. Сборник научных трудов № 139., Санкт–Петербург 2007 год. Стр. 10 – 13.
18. Токин А.С. Влияние противоопухолевых препаратов на выживание клеток первичной опухоли полости носа собаки ИН ВИТРО.(корреляция между падением активности клеточных дегидрогеназ и изменением морфологии ядришка и ядришковых организаторов). / Бокарев А.В., Стеколников А.А., Лаковников Е.А.,

Соломатова Е.С. // Первый международный конгресс ветеринарных фармакологов. «Эффективные и безопасные лекарственные средства» Санкт–Петербург. 2008 года. Стр 8 – 9.

- 19.Токин А.С. Исследование гистологических вариантов первичных опухолей полости и придаточных пазух носа у собак. 1–всероссийская межвузовская конференция по ветеринарной хирургии. Сборник. Москва. 2010 г., стр. 127–128. (232 стр.)**
- 20.Токин А.С. Лечение опухолей носа у собак. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата ветеринарных наук, Санкт–Петербург, 2011.**
- 21. Ягников С.А., Лукоянова М.Л., Вилковский И.Ф., Якунина М.Н., Корнюшенков Е.А. Опухоли спинного мозга и позвоночного столба у собак. «Российский ветеринарный журнал». М., «Колосс» 2005, 4, 7–11.**
- 9. Васильев Ю.М. Социальное поведение нормальных клеток и антисоциальное поведение опухолевых клеток. Сигнальные молекулы, вызывающие размножение и гибель клеток. 1992. с.17-22.**
- 15. Васильев Ю.М. Социальное поведение нормальных клеток и антисоциальное поведение опухолевых клеток. Клетки строят ткань.1997. 5. с. 20-25.**
- 30. Калашнин Ф.Ф. Цитологическая диагностика опухолей у домашних животных. Персиановка. 1986.**
- 35. Лаптев Н.Е. Кривошеин Г.А. Анализ опухолей животных. Тр. У Всесоюзная конф. по патанатомии с-х животных. Кировский СХИ, 1995.**

38. Лопухин Ю. М Первичные иммунодефициты и методы их коррекции. -
Ж Весн. АМН 1, 1979, стр. 15-18.

39

49. Осипов Н.Е. Голубева В.А. Диагностика и лечение трансмиссивной
саркомы собак. Ветеринарий 6, 1976.

50

51. Петров Р.В. Патология иммунной системы. - Москва: Медицина,
1983, стр.40. 61.

Петров Р.В., Хаитов Р.М., Регуляция иммунного ответа. -
Москва:Медицина, 1981 г., стр. 312.

52.

61. Терехов К.Н. Ветеринарная онкология. 1983.

66. Шакалов К.И. Частная ветеринарная хирургия.Москва 1981

67

69. Шишкин В.А. и др. Лейкозы. 1986.

58.Л.С. Богославская и др. О собаке. М.: 1992.

59.Ф.Зиёдинов ва бошқалар. Кинология асослари.Т.:2003.

60.Р.А.Хасанов. Декоративное собаководство.Т.:1990.

61.Хохрин С.Н. “Кормление собак” Санкт-Петербург.2001.

62.23.Нарзиев Б.Д. «Итларнинг умумий ва махсус дрессировкаси»
Самарқанд 2011й.